Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 261 (13.523).
15 НОЯБРЬ
1966 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Мажбурият ҳам бажарилди

Самарқанд («Совет Узбекистони» мухбири). Зарафшон воҳасининг деҳқонлари пахта байрамини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оляптилар. Ленин ордени билан самарқандликлар шу шодиёна кун шарафига Ўзбекистон пахта хирмонига 400 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тўкиб, қўшимча мажбуриятларини ҳам ошири билан бажардилар. Пахта байрами олди меҳнат галабасига областнинг Каттақўрғон, Булунғур, Нарпай, Пайариқ район пахтакорлари айниқса улкан ҳисса қўшдилар.

Булунғур райони йиллик пахта тайёрлаш планини 119 процент, Нарпай райони 117 процент қилиб адо этди. Каттақўрғон район пахтакорлари қўшимча олган мажбуриятини ҳам ошириб бажариб, ҳосилдорликни 26 центнерга етказдилар. «Пайариқ» совхози, Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли, Каттақўрғон районидаги «Чимбойобод», «Ленин йўли», Ленин номли, Хатирчи районидаги «Ўзбекистон», «КПСС XXII съезди» каби йирик хўжаликлар ҳосилдорликни булутургидан анча оширдилар. Областнинг колхозлари ва совхозлари давлатга планга қўшимча равишда 52 минг тонна пахта сотдилар. Утган йилдаги тайёрланган ялпи пахта ҳосилидан ҳозирдаёқ 20 минг тоннадан кўп пахта тайёрладилар. Кейинги икки йил давомида гектаридан олинадиган ҳосилни ўрта ҳисобда 5 центнер кўпайтирдилар. Нарпай, Каттақўрғон, Пастдарғом район пахтакорлари ҳосилдорликни ошириш соҳасида янада яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Область пахтакорлари ҳосилнинг охирги граммларини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб олиш билан бирга келгуси йил ҳосили учун мустаҳкам замин яратмоқдалар. Ҳосилдан бўшаган участкаларни пешма-пеш шудгорламоқдалар.

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР — ОММАГА

Совет матбуоти коммунизм қурувчиларини тарбиялаш, уларни улуғ ишларга даъват этишда Коммунистик партия қўлида бебаҳо, ўткир қуролдир. У дунёда энг халқчил, гоявий соғлом, ҳаққоният йўлида курашувчи матбуотдир. Бизнинг газета ва журналларимиз ўзларининг бутун руҳи, йўналиши билан партия ва халқ манфаатлари учун хизмат қилади, меҳнаткашларнинг ижодий, яратувчилик меҳнатини улуғлайди. Матбуот партиямиз сиёсатини омманинг қалбига сингдириш, ҳар хил касб, ҳамма ёшдаги кишиларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш, илғор фан ва техника ютуқларидан баҳраманд қилишда етакчи роль ўйнайди.

Ҳар куни бепоён мамлакатимизда бешёс кўп воқеалар юз беради, фан соҳасида қанчадан-қанча янги кашфиётлар содир бўлади, индустриямизнинг янги-янги гигантлари қад кўтаради, қишлоқ меҳнаткашлари ноз-неъматлар етиштиришда ажойиб ютуқларни қўлга киритади. Буларнинг ҳаммаси газета ва журналларимиз саҳифасида ўз аксини топади.

Мамлакатимизнинг ҳамма ерида бўлгани каби Узбекистонда ҳам нашрларнинг кенг тармоқлари вужудга келгандир. Республика марказий газета-журналларидан ташқари, барча область ва районларда маҳаллий газеталар нашр этиляпти. 1967 йил учун обуна қабул қилиш қизғин давом этаётган шу кунларда ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, турли касб эгалари матбуот нашрларига активлик билан обуна бўлмоқдалар. «Союзпечать» органлари, жамоатчилар партия ташкилотларининг ёрдамида обуна қабул қилишни кучайтириб юбордилар. Матбуот пропагандасини умумпартиявий ишнинг муҳим соҳаси деб билган ҳўнғина партия ташкилотлари обуна қабул қилиш ишларига жиддий эътибор бермоқдалар.

Лекин айрим жойларда партия ташкилотларининг эътиборсизлиги натижасида матбуот нашрларига ўзилиш суст боряпти. Чунончи Тошкент шаҳри, Хоразм, Самарқанд областларида газета ва журналларга обуна қабул қилиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча орқада. Бу шаҳар ва областларнинг партия ташкилотлари матбуот пропагандасини кучайтиришга тегишинча эътибор бермаяптилар. «Союзпечать» органларининг иши назоратдан четда қолган. Почтальонлар, матбуот тарқатувчи жамоатчилар, коммунистлар нашрларни меҳнаткашлар ўртасида пропаганда қилишга актив жалб этилмаган. Масалан, Бухоро шаҳар шойи тўқиш фабрикасида икки мингдан ортиқ киши ишлайди, корхона партия ташкилоти (секретари ўртоқ Р. Қудратов) сафида 150 КПСС аъзоси бор. Лекин шундай катта коллективда газета ва журналларга бир неча киши обуна бўлган, холос.

Матбуот пропагандаси — партиявий ишдир. Шу боисдан ҳам обуна қабул қилишда асосий масъулият партия ташкилотларининг зиммасига тушади. Қаерда бошланғич партия ташкилоти, коммунистлар бу масалага жиддий муносабатда бўлмас экан, ўша жойда обуна ишлари пайсалга солинади, меҳнаткашлар ўз диди, қизиқишига мос нашрларга ёзила олмай қолади. Шунинг учун ҳам келаси йил учун обуна қилишнинг якунланишига саноқли кунлар қолганини назарда тутиб, жойларда матбуот пропагандасини янада кучайтириб юбориш жуда муҳим. Идеология фронтининг бутун ваниллари, пропагандистлар, агитаторлар бу ишдан четда қолмасликлари керак. Ҳар бир кишига зарур, савияси ва касбига хил келадиган нашрларга обуна бўлишда ёрдам бериш уларнинг жонажон ишидир.

Матбуот пропагандаси — бу, нашрларга коллектив ёки якка тартибда ёзилишни ташкил этишдангина иборат эмас. Бунда партия ташкилотлари, алоқачилар хилма-хил усул ва методлардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ. Масалан, газета витриналарини олайлик. Агар уларга жиддий эътибор берилиб, кўнгилдагидек жиҳозланса, газетхонлар сафини янада оширишга ҳисса қўшиши турган гап. Шунингдек, газета ва журналларни обуначиларга вақтида етказиб бериш айниқса муҳим масаладир. Агар алоқа бўлими ходимлари бу ҳақиқатни унутиб, обуначиларни ранжитсалар, уларнинг газеталарга яна ёзилишга тоқати қолади дейсизми! Демак, матбуот нашрларини ўқувчиларга вақтида етказиб беришда «Союзпечать» органлари, айниқса почтальонлар масъулиятини оширишни асло унутмаслик керак. Партия ташкилотлари уларнинг фаолиятига мунтазам раҳбарлик қилиб туришлари, керак бўлганда амалий ёрдам кўрсатишлари даркор. Ҳолбуки кўп жойларда алоқа органлари партия ташкилотларининг ишларини ҳисоботларни эшитилмайди, энг яхши алоқачилар, матбуот пропагандистларининг яхши ишлари рағбатлантирилмайди.

Нашрларимизнинг савияси, мазмуни ошиб, тематикаси кенгайиб боряпти. Газета ва журналларимизнинг саҳифаларида умумий гаплар ўрнини оддий меҳнаткаш ҳақидаги жонли лавҳалар, янги жамият қурилишининг конкрет масалалари тўғрисидаги проблематик мақолалар, ахлоқ ва одоб темасидаги қизиқарли материаллар олляпти. Бу — газетхонларни қизиқтиради албатта.

Партия ташкилотлари, алоқа бўлимларининг бурчи — обуна қабул қилишнинг қолган даври ичида газета ва журналларга ёзилмаган бирор оила, бирор киши қолмаслигига эришишдан иборат, токи ленинча матбуотимизнинг ҳар бир оташин сўзидан ҳамма баҳраманд бўлсин.

◆

Абдусалим Ўринбоевни Задарё районида танимайдиган киши йўқ деса бўлади. У «Гулбоғ» совхозида илғор механизаторлар билан беллашиб, ҳар йили кўплаб пахта теряпти. Бу йил эса Абдусалим Ўринбоев мавсумда «зангори кема» бункеридан 130 тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўкди. Штатсиз фотомухбиримиз Ш. Осмонов уни иш пайтида суратга олган.



ВОБКЕНТ ВАЪДАБОЗЛАРИ

Стол устида Вобкент район партия ва совет ташкилотларининг бир неча қарори турибди. Биз уларни бирма-бир варақлаймиз. Қарорларнинг мазмуни тахминан бундай:

... Беш йилликнинг дастлабки йилида чорва моллар учун 37950 тонна дағал хашак жамғариш, 33700 тонна силос бостириш, 240 та қўрани, 200 та молхонани ремонт қилиш юзасидан район колхоз ва совхозлари томонидан тақдим этилган план маъқуллансин.

Мана қиш ҳам келиб қолди. Лекин чорва қишловини бекаму-кўст кутиб олиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг кўпи ҳали бажарилгани йўқ. Чорвачилик биноларининг каттагина қисми совуқ кезларда молларни сақлашга яроқсиз ҳолича турибди. Энгельс номли колхозда ва «Шофиркон» совхозида қўралар, молхоналар етишмайди. Бунинг устига мавжуд бинолар ҳам ремонт қилинмаяпти ва кенгайтирилмаяпти.

Район хўжаликларида хашак тайёрлаш, силос бостириш, мол озуқаларини қишлов жойларга ташиб келтириш ишлари ҳам ҳаддан ташқари чўзиб юборилмоқда. Молларнинг тўқ қишловини таъминлаш учун 20 минг тоннага яқин озуқа етишмайди. Бундай сусткашликнинг сабаби — дағал хашак жамғариш ҳамда силос бостириш учун колхоз ва совхозларда ишчи кучларининг етарли ажратилмаётганлигидир. Масалан, Энгельс номли колхозда дағал хашак йиғнашда шу кеча-кундузда 240 киши ўрнига бор-йўғи 85-90 колхозчи ишламоқда. Уларнинг меҳнати тўғри ташкил этилмаган. Хашак жамғарувчиларнинг унумли ишлашлари учун қулай шароит яратиб берилмаган. Иссиқ кийимлар ва бошқа керакли нарсалар билан тўла таъминланмаган. Шунинг учун ҳам бу хўжаликда жашак тўплаш юзасидан тузилган кунлик график 35-40 процент ўртасида бажарилаяпти.

«Шофиркон» совхози чорвачиликка ихтисослаштирилган йирик хўжаликлардан бири. Бу ерда 90 минг бош қорақўл қўй боқиляпти. Қўйларни қишдан семиз ва соғлом олиб чиқиш учун совхоз маъмурияти 7150 тонна дағал хашак тарамлаб қўйишни эрта баҳордаёқ планлаштирган эди. Бу планни алақачонлар бажариш ва ҳатто белгиланганидан ҳам кўпроқ хашак жамғариш учун барча имкониятлар мавжуд эди. Совхозда ишчи кучлари, техника воситалари кўп. Лекин совхоз маъмурияти ўзи тузган планнинг бажарилиши учун жонбозлик кўрсатмади.

Бу ўринда совхоз директори К. Рустамов, партия ташкилотининг секретари Б. Нуруллаев ўртоқларга шундай саволни беришга тўғри келади. Ёз ҳам, куз ҳам ўтиб кетди. Мўлжалланган хашакнинг ҳали ярми ҳам йиғиштириб олингани йўқ.

Қишда молларга дағал хашак машиналарда майдалаб берилиши керак. Шундагина моллар хашакни яхши ейди ва тез ҳазм қилади. Бунинг учун хашак майдалайдиган техникани қишга тўла тахт қилиб қўйиш талаб этилади. Аммо райондаги кўлчилик хўжаликларда бунга яхши эътибор қилинмаяпти. Бузилиб ётган, ҳатто капитал ремонт қилиниши зарур бўлган машиналарни деярли ҳар бир колхоз ва совхозда учратиш мумкин. «Шофиркон» совхозида ўтган йили сотиб олинган хашак майдалайдиган 10 та агрегат омборларда занг босиб яроқсиз ҳолда ётибди.

Яйловда чўпон-чўлиқларга ва бошқа чорвачилик ходимларига қишда оғир шароитда ишлашга тўғри келади. Чунки бу жойда изғирин шамоллар, қорбўронли кунлар тез-тез бўлиб туради. Шуни кўра, яйловда ишловчилар ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиш, уларнинг қишда астойдил меҳнат қилишлари учун ҳамма шароитни ҳозирдан яратиб бериш лозим. Лекин райондаги бир қатор хўжаликларда бу тўғрида яхши ўйланилмаяпти. «Ленинград», «Ленинобод», Калинин номли, Ленин номли колхозларда яйловлардаги уй-жойларни ремонт қилишга ҳали қизғин киришилган эмас. Чўпонларни иссиқ кийим-кечак билан таъминлашни ҳеч ким ҳаёлига келтирмаяпти.

Вобкент районида ана шундай жиддий хато ва камчиликларга ҳар йили йўл қўйиб келинмоқда. Ўтган йили дағал хашак кам тайёрланган, иссиқ биналар етишмагани натижасида анчагина мол нобуд бўлди, совлиқлар кўплаб бола ташлади. Шу сабабли район колхоз ва совхозлари чорвачиликдан катта зарар кўрди. Бироқ юқоридаги фактлар район партия ва совет ташкилотларининг, кўпгина колхоз ва совхоз раҳбарларининг бундан тегишли хулоса чиқариб олишмаётганини кўрсатиб турибди. Улар беш йилликнинг дастлабки йили қишини шайланиб кутиб олиш юзасидан ўзлари белгилаган тадбирларнинг тўла бажарилиши учун жиддий курашмаётирлар.

Қиш — чорвадорлар учун катта синов. Бу синовдан муваффақиятли ўтиш асосан қишни шайланиб кутиб олишга боғлиқдир. Вобкент район партия ва совет ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари буни унутмасликлари, моллларнинг қишдан семиз ва соғлом чиқишини таъминлаш учун шу кунларда зарур чораларни кўриб қўйишлари керак.

Б. МАҲМУДОВ,
Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Н. В. ПОДГОРНИЙ ВЕНАГА КЕЛДИ

МОСКВА, 14 ноябрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бугун расмий визит билан Москвадан Венага жўнаб кетди.

Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Н. В. Подгорнийни А. Н. Косигин, Г. И. Воронов, М. А. Суслов, Б. Н. Пономарев ва бошқалар узатиб қолдилар.

* * *

ВЕНА, 14 ноябрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Австрия республикаси федерал президенти Ф. Ионасниинг таклифига мувофиқ, расмий визит билан бугун бу ерга келди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ А. Н. КОСИГИННИНГ БУЮК БРИТАНИЯГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Илгари хабар берилганидек, Буюк Британия бош министри Г. Вильсон СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинни Англия ҳукуматининг меҳмони бўлиб Буюк Британияга келишга, таклиф этган эди. Бу таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинган эди.

Ҳозирги вақтда эришилган келишувга мувофиқ, А. Н. Косигин 1967 йил 6 февралда расмий визит билан Буюк Британияга боради.

ТАСС АХБОРОТИ

«КОСМОС-131»

1966 йил 12 ноябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-131» учирилди.

1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ бу йўлдошга космик фазони тадқиқ этишни давом эттиradиган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдош чиқариб қўйилган орбитанинг параметрлари қуйидагича: Ер атрофини дастлабки айланиб чиқиш даври 89,9 минут, Ер юзасидан энг узоқ нуқта (апогей) 360 километр; Ер юзасига энг яқин нуқта (перигей) 205 километр. Орбитанинг оғиши 72,9 градус.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари яна қуйидагилар бор: 19,990 мегагерц частотада ишлайдиган радиопередатчик; орбита элементларини аниқ ўлчаб берадиган радиосистема; асбоблар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни Ерга юборib турадиган радиотелеметрик система.

Йўлдошда ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети чуқур қайғу билан маълум қиладиларки, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Григорьевич **Игнатов** оғир касалликдан кейин 66 ёшида 1966 йил 14 ноябрда вафот этди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг иккинчи сессияси 1966 йил 15 декабрда Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1966 йил, 14 ноябрь.

САНОАТИМИЗ САРДОРЛАРИ

БОШ МЕТАЛЛУРГ

Мисгар, заргар, оҳангар сўзлари тилимизда қадимдан бор. Яқинда Тошкентдаги тўқимачилик машинасозлиги заводида бўлганимизда ёши кирқларга бориб қолган, вазмин бир одамни корхонамизнинг бош маъдангари деб таништиришди. Бу кўпни кўрган мутахассис Ҳатам Сулаймонович Ахсаниев экан. Хозир Ҳатам Сулаймонович «Таштекстильмаш»дек йирик корхонанинг сардорларидан бири. У эллигинчи йилларнинг бошида Тошкент политехника институтининг механика факультетини битириб, ишга келганида ҳали ғўр мутахассис эди. Ўша вақтда заводда бош металлург бўлиб ишлаётган Андриян Матвеевич Котов йигитчага разм ташлаб: «Агар ҳақиқатан ҳам машинасоз бўлишга бел боғлаган бўлсанг, ишни қуюв цехидан бошла!»—деди.

Дарвоқе, механик-инженер заводнинг ҳамма асосий участкаларида бирма-бир ишлаб чиқмас экан, касбининг завқини ҳам, ҳузур-ҳаловатини ҳам, машаққатини ҳам билмай ўтиб кетади.

Ҳатам ака устози Андриян Матвеевичнинг гапларига қулоқ солиб, аввал қуюв цехида технолог бўлиб ишлади. Печдаги дам оқариб, дам қизғиш тусга кираётган, симобдек эриб турган чўянга назар ташлар экан, Ахсаниев металл билан бир қаторда ишда ўзи ҳам тобланаётганлигини, билим ва тажрибаси ошаётганлигини сезди. Унинг баъзи ҳамкурслари қуюв цехидаги ишнинг оғирлигидан нолиб, корхонадан кетиб қолишди. Ана шу кетганлар меҳнат завқидан бебаҳра бўлиб қолишди. Ҳатам ака қатори қийинчиликларга бардош бериб, ишга бўйин қўйган ёш мутахассислар эса мана бугун корхонага бош бўлиб туришибди.

Ҳатам Сулаймонович қуюв цехида механик бўлиб ишлаганида ҳам, бошқа участкалар ва цехларга раҳбарлик қилганида ҳам ҳамма вақт илҳом билан, жўшиб, ёниб ишлади. Ўртоқ Ахсаниевга республикада хизмат кўрсатган рационализатор деган унвон берилган экан, бу унинг меҳнатига яраша мукофотдир.

...Илгари қолипдан моделни тортиб олиш қуюв цехидаги энг сермашаққат иш эди. Моҳир рационализатор ана шу ишни осонлаштириш ҳақида бош қотириб, пневматик станок яратди. Ишчиларнинг қўл меҳнати енгиллашиб қолди. Шу билан бир қаторда меҳнат унумдорлиги 30-40 процент ошди. Ижодкор инженернинг таклифи билан қолипларга чўян қуйиладиган конвейерга редуктор ўрнатилди. Бунинг шарофати билан конвейер бетўхтов ишлайдиган бўлди. Ахсаниевнинг яна бир таклифи билан «ПЛ-66» станогининг бир детали пўлатдан эмас, чўяндан ясалмоқда. Шу боисдан ҳам фақат бир детал ҳисобига йилига 300 тонна пўлат тежаб қолинмоқда. Чўяндан ясалган ҳар бир деталнинг таннархи пўлатдан ясалган деталнинг таннархига нисбатан 20 тийин арзонга тушмоқда...

Яқинда Польшада чиқадиган «Дружба» журнали Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг маҳсулотлари ҳақида қуйидагиларни ёзди:

«Андрих тўқимачилик комбинатида Швецария фирмасида тайёрланган машиналар билан бир қаторда Тошкентдан келтирилган машиналар ҳам ишлатилмоқда. Оддий йигирувчидан тортиб директоргача — корхонанинг хар бир ишчиси совет машиналарининг мукаммаллигига тан бермоқда».

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг маҳсулотларини энди олам билади. Ўзбекистон саноатининг шуҳратини бутун жаҳонга ёйётган машиналарни ишлаб чиқаришда «Таштекстильмаш» заводининг бош маъдангари Ҳатам Сулаймонович Ахсаниевнинг хам ҳиссаси бор, меҳнати бор. Бунга унинг хам пешана тери тўкилган.

Улуғ Октябрь революциясига қадар ўзбек ҳунармандининг энг мукаммал дастгоҳи чарх эди. Эндиликда Ўзбекистон машинасозларининг энг мукаммал дастгоҳларида ер юзидаги кўпгина тўқимачилар ишлашяпти.

А. АБДУҚОДИРОВ.

УЗБЕКИСТОНДА ТУРКМАН 1966 АДАБИЁТ ВА САНЪАТ ДЕКАДАСИ

ЗАВҚЛИ УЧРАШУВЛАР

Қардош республикалар ёзувчиларининг энг яхши асарлари Ўзбекистон меҳнаткашларининг китоб жавонларида кўпдан бери муносиб ўрин олгандир. 13 ноябрь куни тошкентликларнинг туркман ёзувчилари билан бўлган учрашуви қувончли ва завқли ўтди. Шаҳар корхоналари ва муассасалари коллективларининг вакиллари, республика ёзувчилари, шоирлари ва бошқа маданият арбоблари туркман сўз усталарига ўзларининг самимий саломларини топшириш учун Свердлов номли концерт залига келишди.

Туркманистон декадаси адабиёт қўйининг очилишига бағишланган тантанада қатнашмоқ учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Н. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов келдилар. Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Овезов, Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. Гапуров, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Н. Римов, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Я. Худойбердиев, Туркманистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Х. Назарова улар билан бирга эди.

Ўзбекистон ёзувчилар союзининг раиси Комил Яшин азиз меҳмонларни мажлис аҳлига таништирар экан залда қайта-қайта қарсаклар янграйди. Тўпланганлар туркман адабиётининг оқсоқоли, машҳур «Дадил қадам» ва «Небиддог» романларининг автори, кўп қиррали истеъдод эгаси — прозаик, шоир, драматург, публицист Берди Кербобоевни қизғин табриклайдилар. Улар ҳаммага манзур бўлган «Ака-укалар» трилогияси ва бир қанча шеърий асарларнинг автори — Беки Сейтаковни, «Амударё» поэмаси ва «Таҳдир» трилогиясининг муаллифи Ҳидир Деряевни, таниқли туркман шоирлари — Карим Қурбоннепесов ва Қора Сейтлиевни, талантли адиб, туркман адабиётини рус тилида оммалаштириш соҳасида кўп иш қилган Александр Аборскийни, ажойиб лирик шоир Анна Қовусовни, бир қанча шеърий достонларнинг автори, Пушкин ва бошқа рус классиклари асарларининг таржимони—Чори Ашировни, етакчи туркман драматурглардан бири Ҳусаин Муҳторовни, шоир Емгир Пиркулиевни, «Адабиёт ва санъат» республика газетасининг редактори Тошли Қурбоновни, «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достонининг таржимони Қаюм Таңриқулиевни, болалар учун ёзилган кўпгина китобларнинг автори Нури Байрамовни, шоир Оллоберди Ҳайитовни, ёш адиблардан Қурбонназар Эзизов ва Салар Ўраевни самимий кутиб оладилар.

Қардош республика Ёзувчилар союзининг раиси Берди Кербобоев Ўзбекистоннинг меҳмондўст халқига серқуёш Туркманистон адиблари ва барча меҳнатчилари номидан самимий салом топширади.

Шоир Анна Қовусов минбарга чиқади. Янги Туркманистон бинокорларининг меҳнатдаги шижоатини, табиатни ўзгартириб, бир вақтлар дашт-биёбон бўлиб ётган ерларни боғ-бўстонга айлантираётган кишиларни мадҳ этувчи ўйноқи шеърларини у учрашув қатнашчиларига тортиқ қилади.

Туркманистон вакили бошлаб берган мушоирага Ўзбек шоири Тўроб Тўла қўшилади.

Декада қатнашчиси Карим Қурбоннепесов мажлис аҳлига ўз шеърларидан ўқиб беради.

Саҳнага ёзувчилар кетидан Туркманистон санъат усталари чиқишади. Улар ёркин байрам концерти кўрсатиб, учрашув қатнашчиларини шодҳандон қиладилар.

* * *

Туркманистон адабиёти ва санъати декадаси Тошкент доирасидан четга чиқди. Ҳозир Туркманистон қўшиқлари республиканинг турли шаҳарларида ва колхоз посёлкаларида ҳам янграмоқда.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг аъзолари Туркманистон рақсларига қизғин қарсак чалдилар.

Концертдан кейин колхоз партия ташкилотининг секретари В. С. Пак қардош республикадан келган ҳурматли меҳмонларни қизғин табриклади.

Туркманистон адабиёти ва санъати вакиллари 14 ноябрда Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозида хам бўлдилар. (ЎзТАГ).

Туркманистон радио ва телевидениеси халқ чолғу асбоблари оркестри туркманча нуй икро этмоқда.
И. Глауберзон фотоси.

БУГУН ПАРТИЯ МАОРИФИ СИСТЕМАСИДА ЎҚИШ БОШЛАНАДИ

МИЛЛИОНЛАР ДОРИЛФУНУН ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

ПАРТИЯ ЖАНГЧИЛАРИ

Идеология — бутун партиянинг, барча коммунистларнинг иши. Республикамизда 28 мингга яқин пропагандист партия маорифи системасида марксизм-ленинизм ғояларини пропаганда қилмоқда. Шулардан 25453 киши олий ва тўлиқсиз олий маълумотли, 7696 киши раҳбар партия, совет, хўжалик ходимлари, 6357 киши халқ хўжалиги мутахассисларидир. Улар семинарларнинг лектор ва раҳбарлари, партия маорифи кабинетларининг мудирлари, методик группаларнинг раҳбар ва аъзолари, назарий проблемалар семинарларининг раҳбарлари, турли мактаб ва тўгаракларнинг пропагандистлари бўлиб ишлашяпти.

Шу сабабли партия маорифи соҳасидаги бутун ишларнинг муваффақияти пропагандистлар маҳоратига боғликдир.

Партия ўқувининг ҳозирги системаси пропагандист кадрлар тайёрлашнинг қандай форма ва воситаларига эга? Курслар орқали бутун республикада 22 мингга яқин пропагандист ўқитилади, шулардан 2000 киши Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузурида. 15 минг киши область партия комитетлари, 5 минг киши эса шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида ўзбек ва рус тилларида тайёрланади.

Марксизм-ленинизм кечки университетлари пропагандистларининг энг яхши мактабидир. Бундай университетлар республикада 12 та ҳисобланади, шу йил Навоий, Нукус, Олмалиқ шаҳарларида ҳам университетлар, Янгийўл шаҳрида университет бўлими тузилди. Область ва шаҳар партия комитетлари ҳузурида тузилган сиртқи курсларда 3000 дан кўпроқ пропагандист ва бошқа ходимлар тайёрланади.

Шундай қилиб, бу йил партия маорифи шохобчаси назарий жиҳатдан тайёрланган бўлган саводхон пропагандистлар билан тўлдирилади. Пропагандистларнинг иш тажрибасини умумлаштириш ва кадрларнинг марксча-ленинча таълимини ташкил этишда сиёсий маориф уйлари ва кабинетларининг роли каттадир. Хоразм сиёсий маориф саройининг иши бу жиҳатдан диққатга сазовордир. У пропагандистларга назарий ва методик ёрдам беришнинг чинакам марказий бўлиб қолди.

Саройда область халқ хўжалиги эришган муваффақиятларини ҳикоя қилувчи стендлар қўйилган.

Пропагандист маҳорати кабинетидаги бошқа бир стендда областдаги энг яхши пропагандистларнинг иш тажрибаси ҳикоя қилинади. Бу ерда урганчлик пропагандист Х. Рўзиимов, ҳазорасплик пропагандист М. Раҳмонов, шовотлик пропагандист Р. Жуманиёзов ва бошқа ўтгокларнинг тажрибасига кенг ўрин берилган.

Комсомол сиёсий маорифининг янги кабинети очилди. Сиёсий маориф саройининг кабинетларида пропагандаларнинг техника воситалари — киноаппаратлар, «Луч» диапроектори, магнитофон, «фильмоскоп», радиода ва шу кабилар керагича топилади.

Область сиёсий маориф уйи янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш билан бирга пропагандистларни тайёрлаш ва қайта тайёргарликдан ўтказиш соҳасида жуда катта ишлар қилди. Пропагандистларининг КПСС тарихи бўйича бир ҳафталик семинари ўтказилди.

Республика партия ташкилотлари ўз кишиси биладиган ва севадиган жойиб пропагандист кадрлар тарбиялаб етиштирди. Улар назарий жиҳатдан тайёрланибгина қолмай, балки ишлаб чиқариш илғорлари, малакали ходимлар экани-ликларини кўрсатмоқдалар ва шу боисдан ҳам катта обрў ва ҳурмат қозонмоқдалар.

Шовот районидаги «Ленинизм» колхози бошланғич сиёсий мактабининг пропагандисти Ўртоқ Раҳабов маълумоти жиҳатдан агроном бўлиб, пропаганда ишида ҳам катта тажриба орттирган. У тингловчиларга китоб устида ишлаш маҳоратини, қисқача конспект тузишни ўргатади. Пропагандистнинг қунт билан олиб бораётган иши ажойиб натижалар берди. Сиёсий мактаб тингловчиларининг ҳаммаси машғулотларга зўр қизиқиш билан қатнашади, ишлаб чиқаришда аса фидокорона меҳнат қилишади.

Жамоатчилик асосида ишлаётган сиёсий маориф кабинетлари пропагандистларга ёрдам беришнинг яна бир муҳим формасидир. Республикамизда ҳозирги вақтда бундай кабинетлар 672 жойда очилди. Кўпчилик корхоналар, колхозлар ва муассасалардаги ана шундай кабинетлар муваффақиятли ишлаб турибди.

Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхози, Чирчиқ шаҳридаги қийин эришган ва ўтга чидамли металлар комбинати сиёсий маориф кабинетлари ҳузурида малакали пропагандистлардан иборат методик советлар тузилди. Бу советларнинг аъзолари машғулотларга кириб, уларнинг мазмунини таҳлил қилмоқдалар, пропагандистларнинг иш тажрибасини умумлаштирмоқдалар ва оммалаштирмоқдалар. Методик кенгаш аъзоларининг ёрдами билан кўргазмали қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда, пропагандистларнинг семинарлари тайёрланмоқда, ҳар қайси жойнинг ўзидан материаллар танлаб олиниб, виставка ва витриналар ташкил этилянти. Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб махсус стендлар, етти йиллик план якунлари ва келгуси беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантириш плани ва шу кабилар юзасидан стендлар ташкил этилди.

Пропагандистларни методик жиҳатдан қуроллантириш савиясини ошириш учун республикамизда кўпгина ишлар қилинянти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлими ҳузурида махсус методик совет тузилди. Радио ва телевидение орқали «Ленин мактабини кўрган пропагандистлар» ва шу каби лекциялар цикли намойиш қилинмоқда ва эшиттирилмоқда.

Бироқ, пропагандист кадрлар билан олиб бораётган ишимизда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё областининг баъзи районларида доимий семинарлар онда-сонда ишлайди, машғулотларнинг сифати паст, табақалаштирилган ҳолда ўтказилмайди, бунинг устига олдиндан тайёргарлик кўрилмайди.

Айрим партия комитетлари пропагандистларини бошқа ишлар билан овора қилиб қўймоқдалар, уларга топшириқлар бермоқдалар.

Фарғона, Андижон, Бухоро областларининг пропаганда соҳасидаги иш тажрибаси маъқуллашга сазовордир. Бу областларда алоҳида ўринг кўрсатган пропагандистлар Фахрий ёрликлар билан мукофотланди, областнинг фахрий дафтарига киритилди, қимматбаҳо совғалар ва курорт йўлланмалари билан тақдирланди.

Барча сиёсий маориф уйлари ва кабинетларининг иши такомиллаштиришга муҳтож. Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё областларидаги сиёсий маориф уйлари ва кабинетларига айниқса бу тааллуқлидир. Улар Хоразм ва Андижон область сиёсий маориф уйларининг ишидан ибрат олиб, ўз фаолиятларини тубдан яхшиламоқлари керак. Консультантларнинг ишига, методиканинг конкрет масалаларини ишлаб чиқишга, пропаганда ишидаги илғор тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаштиришга эътиборни кучайтирмоғимиз керак.

Партия маорифи шохобчасидаги пропагандистлар ўзбек ва рус тилларида программа, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар билан таъмин этилди. Бу эса мактаблар, тўгараклар ва семинарлар ишини кўп жиҳатдан енгиллаштиради. Шунинг учун ҳам пропагандистлар олдига янги оширилган талаблар қўйилмоқда. Пропагандист совет ишиларининг кундалик, баъзан эса унчалик кўзга яққол ташланаверган ҳам чамбарчас боғланганлигини чуқур очиб бермоғи, коммунистик ғояларнинг тантанаси учун актив, онгли курашчиларни тарбиялаб етиштиришда партия ташкилотларига ёрдам бермоғи зарур. Шунга эришиш керакки, пропагандистнинг ўтказаётган суҳбати кишиларнинг онгига чуқур сингиб кетсин, уларни тағин ҳам кўпроқ шижоатқорлик билан ишлашга даъват этсин, уларнинг ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётидаги активлигини кўсалтирсин.

Пропагандист саноат корхонасида, транспортда, қурилишда, қишлоқ хўжалигида ишлаётган бўлса, унинг энг биринчи бурчи — барча тингловчиларнинг ишлаб чиқаришда илғор бўлишига эришишдан иборот. Пропагандист илмий тадқиқот муассасасида, ўқув юртида, ижодий ташкилотда ишлаётган бўлса, унинг бурчи тингловчиларнинг техника тараққиёти, умумхалқ вазифаларини ҳал этиш, мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш, маданиятни янада равнақ топтиришга эришишдаги авангардлик ролини оширишга муваффақ бўлишдан иборат.

Пропагандист бўлиш — олижаноб, шарафли ва шу билан бирга масъулиятли иш. Пропагандистлар коммунистик ғоялар учун олиб борилаётган умумхалқ курашининг энг биринчи сафларида бораётган жангчилардир. Шу сабабли партия ташкилотларининг бурчи — пропагандистлар ишига кун сайин эътибор бериб туришдир.

Е. БОГОСЛОВСКАЯ,
Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг инструктори.

Тошкент область, Калинин район партия комитети партия маорифи системасида янги ўқув йилига сўнгги тайёргарлик ишларини тугаллади. Суратда: (чапдан) пропагандистлардан Ш. Иноғомхўжаев, Х. Одилов, Д. Фозилов, В. Иваков, С. Баҳромов, Л. Шарипов ўртоқлар ўқув қуроллари ва қўлланмаларини кўздан кечиришмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

БУХОРО, («Совет Ўзбекистони мухбири). Партия сиёсий ўқиши системасида машғулотлар бошланди. Бу муҳим ишга ҳамма жойда бўлганидек, Бухоро областининг барча шаҳар ва қишлоқларида ҳам пухта ҳозирлик кўрилди.

Область партия комитетининг бевосита ташаббуси билан партия сиёсий мактабларида машғулот ўтказувчи пропагандистларнинг семинар-кенгаши ўтказилди.

Бу йил Бухоро областининг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида ўз сафларига 12500 кишини бирлаштирган 503 бошланғич сиёсий мактаб, 296 жойда марксизм-ленинизм асосларини ўрганувчи партия-сиёсий мактаблари ишлайди. 269 жойда коммунистик тарбия, партия тарихи, фалсафа, сиёсий иқтисодни ўрганиш тўгаракларини ишлайди. Уларда 4800 дан ортиқ кишн сиёсий билимларини оширади. Бундан ташқари, Бухоро, Навоий шаҳарларида партия комитетлари қошида кечки марксизм-ленинизм университетлари ишлаб турибди.

Областнинг Бухоро, Когон, Навоий шаҳарлари ҳамда Ромитан, Ғиждувон, Вобкент районларида марксизм-ленинизм асосларини мустақил ўрганувчиларга қулай имкониятлар яратиб берилмоқда.

Область партия ташкилоти сиёсий маориф кабинетларининг жангговарлик фаоллигини ошириш, уларни пропагандистларга чинакам назарий ва методик ёрдам кўрсатиш марказига айлантириш мақсадида бир талай яхши ишларни планлаштириб чиққан. Жумладан энг яхши пропагандистлар ва лекторлар тўпланган тажрибаларни кенг оммалаштириш мақсадида область пропагандистларининг «Ҳурмат китоби» ташкил этилмоқда. Бу китобга энг яхши пропагандистларнинг номлари ёзилади ва уларнинг иш тажрибалари ҳақида ҳикоя қилувчи плакатлар чиқарилади.

ЛАВҲА

ПРОПАГАНДИСТ ҚУВОНЧЛИ НАТИЖАЛАР

Кабинетнинг тўрида икки киши суҳбатлашиб ўтирибди. Бири коммунистлар рўйхатини қўздан кечиряпти, иккинчиси корхона активларини тилга олянти.

— Бултур фабрика партия ташкилоти ҳисобидаги коммунистлар сони оз эди, бу йил илғор кишиларни қабул қилиш ҳисобига ўсди. Уларнинг ҳаммаси партия ўқишига тортилади.

— Ҳа, партия ўқишига ҳамма коммунистларни жалб этиш зарур.

—Машғулотларни ҳафтанинг қайси кунларида ўтказсак қулай бўлади?

— Ўтган ўқув йилидагидек пайшанба куни ўтказсак дейман, нима дейсиз?

—Яхши бўлади.

—Демак, биринчи машғулотимиз 17 ноябрга тўғри келяпти.

—Шундай.

— Биринчи машғулотни ўтказиш олдидан очиқ партия мажлисини чақирсак, бунда янги ўқув йили ҳақида яна кенгроқ фикрлашиб олсак дейман.

—Жуда маъқул фикр. Шу очиқ партия мажлисига сиёсий мактаб тингловчиларини ҳам таклиф этамиз.

Пропагандист билан фабрика бошланғич партия ташкилоти секретари А. Ткаченко ўртасида яна бошланғич сиёсий мактаб тингловчиларининг марказий ва область газеталарига обуна бўлишини таъминлаш, уларни машғулотларга тўла жалб этиш учун тегишли шароит яратиб бериш масалалари ҳақида гап кетди.

Олий маълумотли экономист Раҳматжон Шокиров кўп йиллардан бери партия маорифи шохобчаларида пропагандистлик қиладн. У бир вақтлар шаҳар партия комитетида инструктор бўлиб ишлаган. Ҳозир Самарқанд макарон фабрикасида директор. Шу корхона партия ташкилоти ҳузуридаги бошланғич сиёсий мактабда пропагандистлик қилади. Ташаббускор ва тажрибали пропагандист ўтган ўқув йилини яхши натижалар билан якунлади. Машғулотлар системали давом эттирилди, белгиланган программа тўла бажарилди.

Раҳматжон Шокиров коммунистларнинг сиёсий ўқиши яхши йўлга қўйилгани туфайли уларнинг ишлаб чиқаришдаги активлиги ошаётганлигига оид далиллар келтирди. Меҳнат унумдорлиги оширилиб, маҳсулот сифати яхшиланаётганлигини айтди. Корхона коллективи топшириқларни анча ошириб бажариб, қўшимча кўп миқдорда макарон ишлаб чиқарди. Шу йилнинг 10 ойлик планини 102,4 процент адо этди. Юқори сифатли макарон ишлаб чиқариш билан бирга йил бошидан бери қарийб уч минг килограмм ун тежаб қолинди.

—Бир тонна макарон ишлаб чиқариш учун қанча ун талаб қилинади? —сўрадик пропагандистдан.

—Биринчи сорт макарон учун 1024 килограмм—дейди Раҳматжон.—Корхонамиз коллективи беш йилликнинг иккинчи йили—1967 йилнинг апрелидан бошлаб, ишлаб чиқаришни планлаштиришнинг янги системасига ўтишга тайёргарлик кўряпти.

Пропагандист Раҳматжон Шокировнинг ташаббуси билан янги ўқув йилига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрилди. Машғулот ўтказиладиган хона яхши жиҳозлантирилди. Турли адабиётлар, ўқиш программаси олинди. Тингловчиларнинг ҳаммаси КПСС XXIII съезди материаллари, саноат экономикасига оид брошюралар билан таъминланди. Партия ўқиши ҳақидаги масала фабрика коммунистларининг умумий йиғилишида муҳокама қилинишидан ташқари, тингловчиларнинг ҳар бири билан якка-якка суҳбатлар ўтказилди.

Фабрика коммунистлари сиёсий ўқишнинг дастлабки машғулотини ана шундай ҳозирлик билан кутиб олишяпти.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Партия сиёсий маорифи системасида янги ўқув йили бошланади. Шаҳар, район партия комитетлари ва Андижон область партия комитети ҳузуридаги сиёсий маориф уйи янги ўқув йилига тайёргарлик юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширдилар. Ҳар бир партия ташкилотидаги мактаб ва семинар тингловчилари аниқлаб чиқилди.

Илгари ихтиёрийлик принципи оз бўлса ҳам бузиларди. Янги ўқув йилида бунга батамом чек қўймоқдамиз. Ҳар бир группадаги тингловчилар сонини 50 кишидан оширмасликка қарор бердик. Бу тингловчиларнинг сиёсий билим асосларини мукаммалроқ эгаллашлари учун қулайлик яратади.

Областимиз коммунистлари ва партиясиз активлари ҳам партия ўқишининг янги системасини яқдиллик билан маъқуллашяпти. Партия ўқувининг янги системаси тингловчиларга маълум муддат ичида сиёсий билим асослари ва марксизм-ленинизмнинг таркибий қисмини ўрганиб олиш имконини беради. Ўтган йилги партия ўқувининг натижалари бунинг далилидир.

Янги ўқув йилида областда 1122 бошланғич сиёсий мактаб, 343 та марксизм-ленинизм асослари мактаби ва 477 назарий семинар ишлайди. 5,5 мингдан ортиқ коммунист марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганади. Умуман, партия ўқуви системасида областда 52.200 киши жалб қилинади. Шундан 44 минггa яқини коммунистлардир.

Андижон ва Наманган шаҳар партия комитетлари, Избоскан, Москва, Ленин район партия ташкилотлари янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрдилар. Масалан, Ленинскда 17 та марксизм-ленинизм асослари мактаби ташкил этилди. Избоскан районида ҳам 16 та ана шундай мактаб ишлайди.

Пропагандистларни саралаш — ишнинг бошланиши холос, Вазифа — ҳар бир пропагандистнинг маҳорати, назарий билимини такомиллаштиришдан иборат. Область партия комитети, сиёсий маориф уйи пропагандистлар учун уч кунлик семинар ташкил этди. Семинарда партия, совет раҳбар ходимлари, пропагандистлар, сиёсий маориф уйларининг ходимлари иштирок этдилар. Улар қатор лекциялар тингладилар. Семинар ва курсларда партия пропагандасининг методлари ўрганилди, тажриба алмашинди.

Хўжаобод район партия комитети 1966 — 1967 ўқув йили учун пропагандистлар тайёрлаш юзасидан перспектив план ишлаб чиқди. Бу ерда пропагандист куни белгиланди. Группа тузилди. Унга райкомнинг биринчи секретари Ўртоқ С. Йўлчиёевнинг ўзи раҳбарлик қилади. Хўжаободликлар ташаббуси областнинг ҳамма шаҳар ва районларида кенг қулоч ёзди.

Шаҳар, район партия комитетлари ва сиёсий маориф уйлари партия ўқуви системасини кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётганини назарда тутиб, пропагандист кадрлар тайёрлашга эътиборни кучайтирмоқдалар. Андижон ва Наманган шаҳар партия комитетлари ҳузурида марксизм-ленинизм кечки университетларини ҳар йили 200 ва ундан ортиқ пропагандист битириб чиқяпти.

Партия ташкилотлари ўқув йилини уюшқоқлик билан бошлаш, ҳамма жойда машғулотларни юксак савияда ўтказиш чораларини кўрдилар. Барча мактаб ва назарий семинарларга яхши жиҳозланган хоналар биркитиб қўйилди. Ленин, Избоскан район партия комитетлари бу соҳада яхши натижаларга эришдилар. Область партия комитети бюросининг қарори билан 57 пропагандист ҳурмат китобига ёзилди. Тажрибали пропагандистлардан кўпчилиги шаҳар ва область партия комитетларининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланди.

Шунга қарамасдан ишимизда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Айрим район партия комитетлари партия ўқувига яхши эътибор бермаётирлар. Масалан, Задарё районида битта ҳам бошланғич сиёсий мактаб ташкил қилинмаган. Энг йирик Наманган районида фақат биттагина шундай мактаб бор. Қўргонтепа районида марксизм-ленинизм асослари мактаби йўқ. Чуст, Андижон районларида эса атиги биттадан шундай мактаб ташкил қилинди. Шуниси айниқса ачинарлики, Учқўрғон, Янгиқўрғон районларида айрим коммунистлар партия ўқишига жалб қилинмаган.

Яқинда область партия комитетида шаҳар, район партия комитетлари секретарларининг кенгаши ўтказилди. Кенгашда партия сиёсий маорифи системасида янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши масаласи муҳокама қилинди. Ишдаги камчиликлар очиб ташланди ва қатор тадбирлар белгиланди. Энди гап ана шу тадбирларни изчиллик билан амалга оширишда қолган.

Икки оғиз сўз комсомол ўқувига тайёргарлик тўғрисида. Партия ташкилотларининг вазифаси комсомол ўқувини уюшқоқлик билан йўлга қўйишда комсомол ташкилотларига яқиндан ёрдам беришдан иборатдир. Андижон, Учқўрғон район партия комитетлари ёшларнинг сиёсий ўқишига яхши эътибор бермаётирлар.

Ишонч билан айтиш мумкинки, область партия комитети ва район партия комитетлари ишдаги мавжуд камчиликларни тезлик бартараф этадилар.

Л. РАБИНОВИЧ,
Андижон область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

Н. УЛЬЯНОВ,
область партия комитети сиёсий маориф уйининг мудири.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

МУКОФОТ МУБОРАК, ҚЎРИҚЛИКЛАР!*)

Мирзачўлдаги сув хўжалиги иншоотларини лойиҳалашда, қуриш ва ерларни ўзлаштиришда юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганликлари учун қуйидагилар мукофотлансинлар:

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН.

26. **Зулимов** Турдибой — Сирдарё область, Ильич районидаги 17-совхознинг бригадири.

27. **Ивакова** Амалия Кондратьевна — «Янгиерпромстрой» қурилиш-монтаж бошқармасининг сувоқчиси.

28. **Иванов** Илья Алексеевич — «Стройиндустрия» трестига қарашли 3-саноат корхоналари бошқармасининг цех бошлиғи.

29. **Иванова** Нина Владимировна — «Ержарсовхозстрой» трестига қарашли 7-қурилиш-монтаж бошқармасининг сувоқчиси.

30. **Камолов** Саттор — Сирдарё область, Жиззах районидаги Акмал Икромов номли совхоз бўлимининг механиги.

31. **Каримов** Отақул — «Голодностепстрой» моддий-техника таъминоти бошқармасининг такелажниги.

32. **Қаюмова** Тагдима Мавлиевна — «Мирзачульсовхозстрой» трестига қарашли 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг арматурачиси.

33. **Кирильчук** Александр Васильевич — Сирдарё область, Ильич районидаги Титов номли совхознинг слесари.

34. **Киричек** Григорий Ионович — «Ержарсовхозстрой» трестига қарашли 32-қурилиш-монтаж бошқармасининг ғишт терувчиси.

35. **Кисилев** Василий Иванович — «Сантехмонтаж» бошқармаси слесарь-сантехникларининг бригадири.

36. **Ковальчук** Иван Васильевич — «Голодностепстрой» йўлқурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи.

37. **Кожевникова** Тамара Павловна — «Голодностепстрой» медицина-санитария қисми касалхонаси бўлимининг старший медицина ҳамшираси.

38. **Колбин** Петр Яковлевич — «Сантехмонтаж» бошқармасининг газ ва электр пайвандчиси.

39 **Коротков** Петр Артемьевич — «Средазгипроводхлопок» институти бўлимининг бош инженери.

40. **Короткова** Нина Алексеевна — «Голодностепстрой» бўлимининг бошлиғи.

41. **Костиков** Николай Петрович — «Голодностепстрой» механизация бошқармасининг бошлиғи.

42. **Костин** Григорий Николаевич — «Ержарсовхозстрой» трестига қарашли 32-қурилиш-монтаж бошқармасининг шофери.

43. **Краснянский** Николай Порфирьевич — «Средазгипроводхлопок» институтининг бўлим бошлиғи.

44. **Крутень** Григорий Митрофанович — «Голодностепгэсстрой» бошқармасининг экскаватор машинисти.

45. **Крилова** Клавдия Николаевна — Сирдарё область, Ильич районидаги Титов номли совхоз бўлимининг старший бухгалтери.

46. **Кувватов** Улуғ — Сирдарё область, Ильич районидаги Волков номли совхознинг бригадири.

47. **Кучмуродов** Янгибой — Сирдарё область, Ильич районидаги 17-совхознинг бригадири.

48. **Легкоступ** Анна Григорьевна — «Голодностепгэсстрой» бошқармасининг мотористи.

49. **Мамарайимов** Саримсоқ — Сирдарё область, Ильич районидаги 17-совхознинг бригадири.

50. **Мансуров** Зиё Нажметдинович — «Ержарсовхозстрой» трестига қарашли 10-қурилиш-монтаж бошқармасининг участка бошлиғи.

51. **Мартиненко** Дмитрий Дмитриевич — «Дренажстрой» трестига қарашли 1-механизациялаштирилган ишлар бошқармасининг шофери.

52. **Мелибоев** Босим — Сирдарё область, Жиззах районидаги Акмал Икромов номли совхоз бўлимининг агрономи.

53. **Мирзаитов** Мунефян Мударисович — «Дренажстрой» трестига қарашли 2-қурилиш бошқармасининг шофери.

54. **Михайлина** Неля Семеновна — Ўзбекистон Компартияси Ильич район комитетининг сектор мудири.

55. **Мустафоқулов** Махманаби — «Голодностепстрой» энергия хўжалиги бошқармасининг район комитетининг инструктори.

56. **Муҳамадиев** Нурулла — Ўзбекистон Компартияси Ильич район комитетининг инструктори.

57. **Наврўзов** Усмон — «Голодностепстрой» уй-жой — коммунал хўжалиги бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи.

58. **Назарқосимова** Норхол — Сирдарё область, Ильич районидаги Титов номли совхознинг ишчиси.

59. **Назаров** Ҳабибулла — «Голодностепстрой» суғориш системалари бошқармасининг гидротехниги.

60. **Никитин** Иван Федорович — «Стройиндустрия» трести автобазасининг токари.

61. **Норматов** Абдуғаффор — «Мирзачульсовхозстрой» трестига қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг ғишт терувчиси.

62. **Носулин** Николай Никифорович — «Янгиерводстрой» трестига қарашли 8-қурилиш-монтаж бошқармасининг автокран машинисти.

63. **Нуржавов** Оқбўта — Сирдарё область, Жиззах районидаги Акмал Икромов номли совхознинг бригадири.

64. **Нурматов** Эшқўзи — Сирдарё область, Ильич районидаги Гагарин номли тажриба совхозининг трактарчиси.

65. **Павлов** Валентин Алексеевич — «Янгиерводстрой» трестининг автокран машинисти.

66. **Ражабов** Бектемир — Сирдарё область, Боёвут районидаги «Фарҳод» совхозининг бригадири.

67. **Ражабов** Абдураҳмон — «Ирсовхозстроймонтаж» трестига қарашли 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг кран машинисти.

68. **Расулев** Холмурот — «Голодностепстрой» суғориш системалари бошқармасининг регулировчиги.

69. **Романова** Анастасия Петровна — «Ержарсовхозстрой» трестига қарашли 31-қурилиш-монтаж бошқармасининг бўёқчиси.

70. **Саидов** Мурот — «Голодностепстрой» 2-автотранспорт конторасининг шофери.

71. **Сенюженков** Владимир Георгиевич — «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли Жиззах бинокорлик материаллари комбинати селикальцит заводининг бош энергетиги.

72. **Середа** Мария Дмитриевна — «Янгиерпромстрой» қурилиш-монтаж бошқармаси бетон узелининг мотористи.

73. **Сериков** Валентин Петрович — «Голодностепстрой» 2-вертикаль дренаж бошқармасининг автокран машинисти.

74. **Струсевич** Николай Владимирович — «Главсредазирсовхозстрой» бўлимининг бошлиғи.

75. **Сфикос** Василис Костос — «Мирзачульсовхозстрой» трестига қарашли 3-қурилиш-монтаж бошқармаси бўёқчиларининг бригадири.

76. **Сисоев** Анатолий Павлович — Сирдарё область, Ильич районидаги Волков номли совхознинг тракторчиси.

77. **Таматаев** Низгат Гильмутдинович — «Голодностепгэсстрой» энергия хўжалиги бошқармасининг прораби.

78. **Тўхтаматов** Жўра — «Ержарсовхозстрой» трестига қарашли 7-қурилиш-монтаж бошқармасининг шофери.

79. **Терехов** Кир Георгиевич — «Главсредазирсовхозстрой» нинг бўлим бошлиғи.

80. **Тўраев** Азиз Оппоқович — Ўзбекистон ЛКСМ Сирдарё область комитетининг секретари.

81. **Турдиев** Қувон — Сирдарё область, Ильич районидаги Титов номли совхознинг бригадири.

82. **Умарқулов** Ҳайдар — «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли Жиззах бинокорлик материаллари комбинати селикальцит заводи қуювчилар бригадири.

83. **Урозалиева** Буважар — Сирдарё область, Ильич районидаги Титов номли совхознинг ишчиси.

84. **Урдушев** Гайбулла — Сирдарё область, Жиззах районидаги «Пахтакор» совхозининг бригадири.

85. **Файзираҳмонов** Файзулғаян — «Мирзачульсовхозстрой» трестига қарашли 5-қурилиш-монтаж бошқармасининг дурадгори.

86. **Фисенко** Юрий Кондратьевич — «Мирзачульсовхозстрой» трести механизация бошқармасининг фрезерчи-строгальчиги.

87. **Харина** Августа Матвеевна — Сирдарё область, Ильич районидаги Волков номли совхоз амбулаториясининг фельдшер-акушери.

88 **Хачикянц** Сосин Павлович — «Средазгипроводхлопок» институтининг бўлим бошлиғи.

89. **Хидирова** Бувиражаб — Сирдарё область, Жиззах районидаги Акмал Икромов номли совхознинг ишчиси.

90. **Хисматулин** Марс Фаткуллинович — «Ержарсовхозстрой» трестига қарашли 11-қурилиш-монтаж бошқармасининг бош механиги.

91. **Ходеева** Мария Петровна — «Промстройматериали» трестига қарашли Янгиер темир-бетон буюмлар ва конструкциялар комбинатининг старший мастери.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИРЗАЧЎЛДАГИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ ВА ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*) Боши газетанинг 10, 11 ва 13 ноябрь сонларида босилган.

Суратда (чапдан): Қурбон Ҳайитов ва Абдулла Хазратқулов ўртоқлар Қашқадарё область, Қарши районидаги «Партия XX съезди» совхози 3. бўлимининг илғор механик-ҳайдовчиларидан ҳисобланадилар. Бу азаматларнинг ҳар бири мавсумда ўз агрегати билан 100 тоннадан ошириб пахта терди. А. Тўраев фотоси.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРКМАН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ 1966

ОЛТИН СОҚҚА

Қзюм ТАНГРИҚУЛИЕВ (туркман шоири)

ЭРТАК

Сой бўйида илгари
Бўлган экан тўқайзор.
Фақат унда қашқирлар
Яшаркан кўрмай озор.
Қалин қамиш оралаб
Утолмаган ҳеч инсон.
Бу ер қувноқ гозларга,
Ўрдакларга экан кон.
Кенг тўқайнинг четида
Бор экан бир кулба ҳам.
Шунда ўтган бир бобо,
Доим чекиб кулфат, ғам.
Чордеворин қавалаб
Ёққан ёмғир,
Қуйган сел.
Чолнинг ўғли ҳақида
Шундай эртак айтар эл;
Том ортига беркиниб,
Ошиқ ўйнаган экан.
Гоҳ чиқиб гоҳ пукка,
Уйнаб тўймаган экан.
Қирғоқ узра ошиқни
Териб қўшиндек қатор,
Бирма-бир йиқитгани
Мўлжаллаб соққа отар.
Кун кеч бўлиб қолгани
Кўринмасдан кўзига:
— Қани дарров полчин қил! —
Деяркан ўз-ўзига.
Бирдан кўлом соққаси
Ер бағирлаб учибди.
Керак бўлсам излар деб,
Думалоқ мис барчашдай,
Қип-қизил юз бой ўғли,
Бошида бир туки йўқ,
Доим очиқўз бой ўғли.
Кенг қишлоқни оралаб
Юрар экан салқинда,
Кимдандир эшитибди,
Бу воқеа ҳақида.
Рашки келиб, хўп ўйлаб:
— «Сойга чопаман», — дебди.—
«Бундай олтин ошиқни
Мен ҳам топаман» — дебди.
Писанд этмай тўқайни
Шошиб ўтиб бораркан,
Чакалакзор, тепадан
Ошиб ўтиб босаркан —
Элтар экан атайлаб,
Папағида ошиқлар.
Териб сойнинг бўйига,
Уйнаш учун ошиқар.
Полчин қилмоқ баҳона,
Соққа отиб ўртага,
Оқар сув гирдобига
Туширибди жўрттага.
Қирғоқ узра ўйноқлаб,
Чиқибди улкан лаққа.
Қанотининг остига
Қистирган қўлом соққа.
Бой ўғлига таймнлар:
— Энди ҳушёр бўл бунга.
Ол, бемалол ўйнаб юр,
Туширма ҳеч тўлқинга!
Мингиллабди қув бола:
— Соққам эди олтиндан.
Буни нима қиламан,
Сойдан кандоғ олдим ман?!
Балиқ ҳангу манг бўлиб,
Уйлаб дебди: — Эй, ўғил!
Ундай бўлса сув тагин —
Излаб кўрай, сабр қил!
Шўнғиб нетиб хийла вақт,
Сапчиб чиқар қирғоққа.
Қанотининг остида
Ялтирар олтин соққа.
Усмоқчилаб болага
Балиқ берибди савол:
— Шу эдими ё бошқа,
Кўринишин айт аввал?
Мен учратдим балчиқда
Муштдай олтин бир соққа.
Худди кундек товланиб,
Нур сочарди ҳар ёққа.
— Нега олиб чиқмадинг,
Менинг соққам ўшайди,
Қани дарров келтир! — деб,
Бола яна ўшлайди.
— Топмай қайтиш йўқ! — дебди.
Мийиғида кулиб у.
Сўнгра шўнғиб кетибди,
Чайқалибди тиниқ сув.
Кута-кута бойвачча,
Бўлибди тоқати тоқ.
Чақириб ҳам кўрибди,
Балиқ чиқмабди бироқ.

Қудрат ҲИКМАТ таржимаси.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

САНЪАТ ХАЗИНАЛАРИМИЗ БОЙИЙВЕРСИН

Бизнинг ўзбек қадрдонларимиз юртига биринчи бор келишимиз эмас. Мен шахсан Тошкентда бир неча марта бўлганман. 1964 йили Туркманистон Давлат тасвирий санъат музейи Тошкентдаги олий партия мактаби биносида кўргазма ташкил этган эди. Ўзбек санъат мухлислари бизнинг асарларимизни мароқ билан томоша қилганлар. Ўз навбатида биз ҳам ўзбек рассомларининг полотноларини кўриб, маҳоратларига қойил бўлганмиз. Айниқса, Ў. Тансиқбоев, А. Абдуллаев, Р. Аҳмедов ва бошқа мўйқалам соҳибларининг асарлари бизда катта таассурот қолдирган. Туркманистондаги бизнинг музейларимиз залларида бундай катта талант эгаларининг полотнолари ҳам борлиги билан фахрланамиз.

Декада муносабати билан биз Тошкентга кўчма виставка олиб келдик. Уйлайманки, уни ўзбек томошабинлари қизиқиш билан кутиб оладилар. Бундай тадбирлар икки халқ қилқаламларининг дўстлигини янада мустаҳкамлайди, албатта.

Нури ҲОЖАМУҲАММЕДОВ, рассом, Туркманистон Давлат тасвирий санъат музейининг директори.

СЎЗ—ТАЖРИБАКОР ДЕҲҚОНЛАРГА

ЮЗ ҲАЙДАМА—КУЗ ҲАЙДА

Деҳончилигимиз тажрибаси «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деган нақлнинг нақадар ҳаётий эканлигини исботлаб келмоқда. Колхозчиларимиз бу нақлга амал қилиб, экин майдонларини кузда, мумкин қадар тезроқ, сифатлироқ шудгорлаб қўйишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Чунки кузнинг бошларида чуқур шудгор қилинган ерларда тупроқ анча юмшоқ бўлади, ҳашарот қирилиб кетади.

Ўтган йили ҳам чигит экиладиган 1320 гектар майдоннинг ҳаммасини ноябрь ойи давомида 28 сантиметр чуқурликда шудгор қилган эдик. Бу ерлар бутун қиш давомида қор ва ёмғирдан баҳраманд бўлиб, кўпчиб ётди. Баҳор келиши билан экин майдонларини бороналашга киришдик ва чигитни жуда қисқа муддатда экиб, уни бир текис ундириб олдик. Шундан кейин ғўза парвариши қизитиб юборилди.

Кузда яхши шудгорланган ерлардаги тупроқ бутун вегетация даврида донадор, майин бўлиб турди. Чуқур шудгорланган ерларда ғўза илдизлари озуқадан яхши баҳраманд бўлди. Қатор ораларини культивация қилиш, сугориш ва озиқлантириш каби агротехника тадбирларининг бир-бирига маҳкам боғлиқ олиб борилганлиги туфайли ҳар туп ғўза серҳосил бўлиб ўсди. Ғўза тупларидаги кўсакларнинг сони ва уларнинг печоғли очилишига қараб дефолнацияни 28 августда бошлаб юбордик. Агрегатлар 11 сентябрда ишга туширилди. Техникадан самарали фойдаланганлигимиз, уларни бошқараётган кишиларга етарли ғамхўрлик қилганлигимиз натижасида пахта тайёрлаш йиллик планини 40 иш кунида бажардик. Давлатга 3900 тонна «оқ олтин» сотдик. Шунча ҳосилнинг 2200 тоннаси бункерлардан бўшатилди. Машина терими плани 60 процент адо этилди. Давлатга топширилган пахтанинг 80 процентдан кўпроғи биринчи сортларга қабул қилинди.

Шудгорлаш олдидан ерларни маҳаллий ва минерал ўғитларга тўйдирган, вақтида чуқур ҳайдаган ва ғўзани маромида парвариш қилган кўпгина участкалар янада юқори ҳосил етиштирилишига эришдилар. Ўртоқ Қозоқбой Ризаев бошлиқ участка аъзоларидан 229 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан, Зиябой Ризаев бошлиқ участка пахтакорлари 243 гектар ернинг ҳар гектари ҳисобига 31,8 центнердан «оқ олтин» топширдилар. Тюпкочи звеноларимизнинг кўпчилиги ҳосилдорликни гектар бошига 32-34 центнерга етказишди. Буларнинг ҳаммаси далалардаги пахтани тезроқ саранжом-саришталаб олишга ва келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратишга жуда катта қулайлик туғдирмоқда.

Колхозчи деҳқонларимиз шу кеча-кундузда дала ишларини конвейер усулида ташкил этдилар. Ҳосили батамом йиғиштириб олинган майдонлар пешмапеш ғўзапоядан тозаланмоқда ва ўғитланиб шудгор қилинмоқда. Шудгорлаш олдидан ҳар гектар ерга 400 килограммдан суперфосфат ҳамда 12-13 тоннадан гўнг солинмоқда. Шудгорлашда 15 та трактор ишлаб турибди. Ерларнинг хусусиятини ҳисобга олиб ҳайдов тракторларига 2-3-4 корпусли плуглар тиркалган. Шудгор 30 сантиметр чуқурликда ўтказилмоқда.

Ерларни эрта кузда ҳайдаб қўйишга не етсин. Агар экин майдонлари ноябрь ойи давомида тўла шудгордан чиқарилса хўжалик анча маблағни тежаб қолади. Ноябрь ойида тракторлар шудгорлашда қатнашса кўлгина ёнилғи тежаб қолиниши, двигателлар яхши нагрузка билан ишлаши мумкин. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, ноябрь ойида ҳайдалган ернинг тупроғи майин бўлиб қолади, ер юзасида, хас-хашаклар орасида яшириниб ётган ҳашаротлар қириб ташланади.

Агар экин майдонлари декабрь ойида шудгор қилинса биринчидан, трактор двигателларига ортиқча нагрузка берилиб, кўп ёнилғи сарфланади. Тракторчилар анча қийналиб қолишади. Иккинчидан, декабрда ҳаво совиб кетиши сабабли ҳашаротлар ернинг қат-қатламига кириб яширинib қолади. Декабрда ер нам бўлганлиги сабабли, ҳайдаш вақтида тупроқ ҳам донадор бўлмайди. Хуллас, ерни қанча барвақт ва чуқур шудгор қилган деҳқон шунча ютиб чиқади. Биз бунга амал қилиб ишламоқдамиз.

Механизаторларимиз 1320 гектар пахта майдонини узоғи билан 25 ноябрга қадар тўла шудгор қилишга сўз беришди. Бунинг учун улар ўзаро социалистик мусобақани ҳар тарафлама кучайтириб юборишди. Буларнинг ҳаммаси ишнинг олға силжишига таъсир кўрсатмоқда. Ҳозиргача 500 гектар майдонни 30 сантиметр чуқурликда ҳайдаб қўйдик. Экин экилиши лозим бўлган майдонларга 2.500 тонна гўнг солинди. Бу ишда машиналардан, тележкалардан самарали фойдаланилмоқда.

Шудгорлаш ҳақида гап кетганда энг илғор, тилиб-тинчимайдиган механизаторларимиздан Нажот Газизов, Раҳмат Нишонбоев, Деҳқон Тенгизбоев, Жалил Файзиев ўртоқларнинг номини алоҳида тилга олмасдан мумкин эмас.

Шудгор — мўл ҳосил гарови. Уни барвақт ўтказган деҳқон доғда қолмайди. Колхозчиларимиз, механизаторларимиз бунга амал қилиб, шудгорлашни белгиланган муддатда тамомлаш учун куч-ғайратларини сира аямайдилар.

А. ОРТИҚОВ, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ ШУДГОР ҚИЛ!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1966 йил 14 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — ҳайдалган ер	
Самарқанд	25,9
Тошкент	25,7
Сирдарё	10,6
Андижон	9,8
Фарғона	7,9
Бухоро	6,9
Қашқадарё	5,2
Хоразм	4,9
ҚҚ АССР	4,4
Сурхондарё	2,1
Республика бўйича:	12,6

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1966 йил 14 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан буён, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошидан буён.

ҚҚ АССР	0,53	119,92	0,56	115,47
САМАРҚАНД	0,59	114,96	0,25	114,84
ХОРАЗМ	0,45	113,66	0,45	114,50
ТОШКЕНТ	0,13	109,04	0,04	119,64
ҚАШҚАДАРЁ	0,27	108,83	0,53	125,96
СУРХОНДАРЁ	0,48	105,88	0,09	101,57
БУХОРО	0,33	105,77	0,30	123,24
ФАРҒОНА	0,57	104,92	0,21	124,12
АНДИЖОН	0,36	104,00	0,27	119,79
СИРДАРЁ	0,31	100,86	0,11	102,36
РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА:	0,40	107,60	0,22	113,93

ХИМИЯ БИЛАН ПАХТА ЭГИЗАК

Туркманистон ССР Байрамали районидаги «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи ўртоқ Б. Аннагелдиевдан Навоий химия комбинати адресига хат келди. Хатда бундай дейилади: «...Қадрли химиклар, эндиликда химия билан пахта эгизак бўлиб қолди. Ҳозирги замон фани ва илғор тажрибалар бунн тўла исботламоқда. Биз, деҳқонларнинг пахтадан мўл ҳосил етиштиришимиз ҳам кўпроқ Сизларга—химикларга боғлиқ. Бригадамиз Навоий химия комбинати ишлаб чиқарган минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиб, ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта ҳосилини йиғиб олди. Давлат плани муддатидан илгари бажарилди. Биз кузги шудгор олдидан комбинатингизда тайёрланган ўғитдан кўпроқ солишга қарор қилдик...».

Хатнинг давомида комбинат коллективига минатдорчилик изҳор қилинади, химикларнинг ишлаб чиқаришда янги зафарларга эришувларига тилакдош эканликлари айтилади. Навоий химия комбинатига Урта Осиёдаги пахтакор республикаларнинг ҳаммасидан шундай мактублар келиб туради. Бу корхона азаматларининг қишлоқ хўжалиги учун кўп ва сифатли минерал ўғитлар етказиб бериш борасида эришган ютуқларига мақтовдир.

Беш йиллик план директивраларида илгари сурилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун курашаётган Навоий химиклари ишлаб чиқаришда янгидан-янги зафарларга эришаётирлар. Йил бошидан буён пахтакор хўжаликларга пландан ташқари анчагина минерал ўғитлар жўнатилди. Ғўза баргини тўктирадиган химикатлар етказиб бериш топшириғи ортиғи билан адо этилди. Корхона ижодкорлари ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшаётирлар. Кейинги 9 ойда 300 дан ортиқ рационализаторлик таклифлари тушди. Шундан 250 тасини жорий этиш натижасида қарийб 320 минг сўм тежаб қолинмоқда. Бош механик А. Неволен ва механик Г. Лукьянов ўртоқлар газ компрессорини йирик подшипникларни чўян ўрнига текистолитдан тайёрлашни таклиф қилдилар. Таклиф маъқулланди. Олтита компрессорга шундай подшипниклар ўрнатилди. Бу тадбир жуда яхши натижа беряпти.

Химиклар 9 ярим ойлик планни орттириб бажардилар. Бир қанча илғор бригадалар, ўнлаб коммунистик меҳнат зарбдорлари ҳозирнинг ўзидаёқ йиллик планни бажариб қўйишди. КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан илҳомланган химиклар беш йилликнинг биринчи йилида ана шундай ишламоқдалар.

Т. НАЗИРОВ, «Совет Узбекистони» мухбири.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

ДАВЛАТГА ПАХТА СОТИШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРГАНЛИКЛАРИ УЧУН РЕСПУБЛИКА ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ЁЗИЛАДИЛАР:

БЕКОБОД РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **М. Нўъмонов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **П. Кушеров**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг биринчи ўртоқ **А. Қозоқбоев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **З. Қодиров**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **А. Шахобоев**).

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **А. Алимов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Р. Усмонов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг биринчи ўртоқ **К. Азимов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Г. Рўзматова**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **И. Каниболоцкий**).

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДАГИ КИРОВ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **К. Искаков**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Р. Мустафина**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг биринчи ўртоқ **Н. Кенжебоев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Т. Тезекбоев**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Д. Нурсеитов**).

ПАХТАОРОЛ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ж. Алқанов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **П. Абуов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг биринчи ўртоқ **Б. Сартаев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **С. Нурденов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Ю. Файзуллаев**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг биринчи ўртоқ **Р. Жумаев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **И. Исмоилов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Е. Сариев**).

ЧИМБОЙ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Х. Жумамуродов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **У. Бекимбетов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг биринчи ўртоқ **И. Қурбонов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Б. Бобожонов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **У. Худойназаров**).

92. **Шаехова** Язила Габдрахмановна — «Голодностепстрой» уй-жой-коммунал хўжалик бошқармасининг суворқиси.

93. **Шайнурова** Адигея Тимуровна — «Мирзачўлсовхозстрой» трестига қарашли 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг бўёқчиси.

94. **Шокиров** Исмоил — «Голодностепстрой» 5-автотранспорт конторасининг навбатчи механиги.

95. **Шалигин** Григорий Яковлевич — «Дренажстрой» трестига қарашли 1-механизациялаштирилган ишлар бошқармасининг бульдозер машинисти.

96. **Шутуров** Владимир Афанасьевич — «Ирсовхозстроймонтаж» трестига қарашли «Электромонтаж» бошқармасининг участка бошлиғи.

97. **Шукурова** Сафаргул—Сирдарё область, Ильич районидаги Титов номли совхознинг ишчиси.

98. **Яновер** Анна Николаевна—«Дренажстрой» трестига қарашли 3-қурилиш бошқармаси бўлимининг старший инспектори.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Абдиев** Тельман Муродович — «Мирзачўлсовхозстрой» трестига қарашли 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг ғишт терувчиси.

2. **Азимов** Тошбой — «Янгиерводстрой» трестига қарашли 9-қурилиш-монтаж бошқармасининг арматурачиси.

3. **Оқбўтаев** Тоштемир — Сирдарё область, Ильич районидаги «Правда» совхозининг тракторчиси.

4. **Алиқулов** Усан — «Голодностепстрой» 6-автотранспорт конторасининг шофери.

5. **Андреева** Валентина Григорьевна — «Янгиерводстрой» трестига қарашли 34-қурилиш-монтаж бошқармасининг мастери.

6. **Апольский** Владимир Николаевич — «Дренажстрой» трестига қарашли 1-механизациялаштирилган ишлар бошқармасининг экскаватор машинисти.

7. **Аҳмедов** Тошмурот — Сирдарё область, Жиззах районидаги Акмал Икромов номли совхознинг тракторчиси.

8. **Очилов** Норқул — Сирдарё область, Ильич районидаги 17-совхознинг пахта суғорувчиси.

9. **Ашрапова** Минасма Габдуловна — «Голодностепгэстрой» бошқармасининг ғишт терувчиси.

10. **Бозоров** Қиндирбой Жумуртович — Сирдарё область, Ильич районидаги «Андижон» совхозининг шофери.

11. **Баранова** Анастасия Степановна — «Мирзачўлсовхозстрой» трестига қарашли 5-қурилиш-монтаж бошқармасининг бўёқчиси.

12. **Бахашев** Сапарбек — Сирдарё область, Ильич районидаги «Андижон» совхозининг шофери.

13. **Баҳромов** Худойқул — «Промстройматериали» трестига қарашли Жиззах комбинати керамзит-бетон заводининг бетончиси.

14. **Бацаценко** Виктор Григорьевич — «Ирсовхозстроймонтаж» трестига қарашли 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг шофери.

15. **Бегенов** Берекет — «Дренажстрой» тресги 3-қурилиш бошқармасининг бригадири.

16. **Безугольникова** Евдокия Васильевна — «Голодностепгэстрой» бошқармасининг бўёқчиси.

17. **Бекназаров** Маматкарим — «Голодностепстрой» 4-автотранспорт конторасининг шофери.

18. **Бобер** Александр Михайлович — «Промстройматериали» трестининг бош инженери.

19. **Болтабоев** Эгамберди — Сирдарё область, Ильич районидаги Волков номли совхознинг пахта суғорувчиси.

20. **Бронев** Григорий Семенович — Мирзачўлни ўзлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

21. **Бухтуев** Степан Трофимович — «Стройиндустрия» трести ихтисослаштирилган бошқармасининг экскаватор машинисти.

22. **Вакуленко** Иван Иванович — «Мирзачульсовхозстрой» трестига қарашли 1-саноат корхоналари бошқармасининг дурадгори.

23. **Гадельшина** Марфуга Хазиевна — Ўзбекистон Компартияси Ильич район комитетининг инструктори.

24. **Газизов** Рами Ганельгилимович — «Мирзачульсовхозстрой» трестига қарашли 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг дурадгори.

25. **Гайнулин** Наил Закиевич — «Ержарсовхозстрой» трестига қарашли 7-қурилиш-монтаж бошқармасининг башняли кран машинисти.

26. **Гаффоров** Истам — «Голодностепстрой» 2-автотранспорт конторасининг шофери.

27. **Гафуров** Раҳим — «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли Тошкент ёғочсозлик комбинатининг станокчиси.

28. **Гашевский** Николай Антонович — Сирдарё область, Боёвут районидаги Мичурин номли совхознинг старший механиги.

29. **Глазер** Эдуард Рихардович — «Ирсовхозстроймонтаж» трестига қарашли «Электромонтаж» бошқармасининг электромонтери.

30. **Гуломов** Қўчқор — «Средазгипроводхлопок» институтининг шофери.

31. **Гусенкова** Светлана Ивановна — Сирдарё область, Ильич районидаги 17-совхоз болалар комбинатининг мудири.

32. **Давтян** Мардуни Ервандович — «Ержарсовхозстрой» трестига қарашли 12-қурилиш-монтаж бошқармасининг участка бошлиғи.

33. **Дерксен** Яков Андреевич—«Голодностепстрой» энергия хўжалиги бошқармасининг шофери.

34. **Жўраев** Ўктам — Сирдарё область, Жиззах районидаги «Пахтакор» совхози бўлимининг бошқарувчиси.

35. **Долгих** Тамара Сергеевна — «Голодностепстрой» медицина-санитария қисми касалхонаси туғруқхона бўлимининг акушеркаси.

36. **Духанин** Сергей Степанович — «Ержарсовхозстрой» трестига қарашли 31-қурилиш-монтаж бошқармасининг слесари.

37. **Елизаров** Иван Михайлович — «Дренажстрой» трестига қарашли 1-механизациялаштирилган ишлар бошқармасининг участка бошлиғи.

38. **Енгаличева** Ойша Зиёэтдиновна — «Средазгипроводхлопок» лойиҳа институтининг бош инженери.

39. **Жалнина** Анна Григорьевна — Мирзачўлни ўзлаштириш бошқармасининг бош инженер-гидротехниги.

40. **Зарипов** Шахоб — Сирдарё область, Боёвут районидаги Мичурин номли совхознинг ишчиси.

41. **Ишаева** Генефа Цезаревна—«Голодностепстрой» 8-ОРС 2-магазинининг сотувчиси.

42. **Качуровская** Надежда Андреевна — «Ержарсовхозстрой» трестига қарашли 32-қурилиш-монтаж бошқармасининг ғишт терувчиси.

43. **Ким** Борис Сергеевич — Сирдарё область, Ильич районидаги Титов номли совхоз комсомол комитетининг секретари.

44. **Кузечкин** Александр Федорович — «Дренажстрой» трестига қарашли 1-механизациялаштирилган ишлар бошқармасининг бульдозер машинисти.

45. **Кумашов** Михаил Кириллович — «Голодностепстрой» 2-автотранспорт конторасининг шофери.

46. **Кутовой** Иван Дмитриевич — «Голодностепстрой» энергия хўжалиги бошқармасининг шофери.

47. **Левадский** Александр Иванович — «Голодностепстрой» йўл қурилиши бошқармасининг бульдозер машинисти.

48. **Лутавин** Павел Иванович—«Голодностепстрой» моддий техника таъминоти бошқармасининг паровоз машинисти.

49. **Луценко** Иван Николаевич—«Главсредазирсовхозстрой»га қарашли Тошкент ёғочсозлик комбинатининг дурадгори.

50. **Мантрова** Любовь Алексеевна — «Янгиерпромстрой» қурилиш-монтаж бошқармасининг газ ва электр пайвандчиси.

51. **Матқодиров** Йўлчи — Сирдарё область, Ильич районидаги «Фаргона» совхозининг бўлим бошқарувчиси.

52. **Мелнев** Ғани — «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли Жиззах бинокорлик материаллари комбинати шағал-қум карьерининг бошлиғи.

53. **Мирбобоева** Миновар — Сирдарё область, Ильич районидаги «Правда» совхозининг суворқиси бўёқчиси.

54. **Митькин** Василий Романович — «Сантехмонтаж» бошқармасининг экскаватор машинисти.

55. **Муждабаев** Энвер — «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли Чиноз шағал-қум заводининг экскаватор машинисти.

56. **Мужиков** Виктор Матвеевич — «Голодностепстрой» йўл қурилиш бошқармасининг слесари.

57. **Муслядинов** Наф — «Голодностепгэстрой» бошқармасининг арматурачиси.

58. **Нагурний** Василий Иванович — «Джизакпромстрой» қурилиш-монтаж бошқармасининг старший прораби.

59. **Нейман** Борис Яковлевич—«Средазгипроводхлопок» институти бўлимининг бош геологи.

60. **Орлянчик** Михаил Филиппович — «Узгипрозем» институти бўлимининг бошлиғи.

61. **Пак** Валентин Петрович — «Янгиерпромстрой» қурилиш-монтаж бошқармасининг участка бошлиғи.

62. **Пархоменко** Юрий Дмитриевич — «Голодностепстрой» йўл қурилиши бошқармасининг экскаватор машинисти.

63. **Плеханова** Мария Георгиевна — «Голодностепстрой» 6-ОРС 2-ошхонасининг старший ошпази.

64. **Пронин** Виктор Михайлович — «Голодностепстрой»га қарашли Гулистон ремонт-механика заводининг цех бошлиғи.

65. **Просин** Рюрик Михайлович — Мирзачўлни ўзлаштириш бошқармасининг бош инженер-гидротехниги.

66. **Прохоров** Петр Захарович — «Голодностепстрой» йўл қурилиш бошқармасининг бульдозер машинисти.

67. **Равшанов** Эргаш — Сирдарё область, Боёвут районидаги «Фарҳод» совхозининг тракторчиси.

68. **Расулбердиев** Рўзиқул — «Промстройматериали» трестига қарашли Янгиер сопол-дренаж қувурлар заводининг қуритувчиси.

69. **Раҳмонбердиев** Бурхон — «Промстройматериали» трести тепловозлар колоннасининг старший машинисти.

70. **Рупп** Антон Антонович — «Ержарсовхозстрой» трестига қарашли 12-қурилиш-монтаж бошқармасининг дурадгори.

71. **Рибак** Анатолий Никифорович — «Ирсовхозстроймонтаж» трестига қарашли Гулистон электр устахоналари коммутатчиларининг бригадири.

72. **Сабреков** Аукат Смагилович — «Янгиерводстрой» трестига қарашли 9-қурилиш-монтаж бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи.

73. **Саидқулов** Умар — Сирдарё область, Ильич районидаги Титов номли совхознинг бригадири.

74. **Сатторов** Холматжон — Боёвут электр насос станциясининг старший навбатчи инженер-электриги.

75. **Сейтасанов** Решат — «Голодностепстрой» 5-автотранспорт конторасининг шофери.

(Давоми тўртинчи бетда).

МУКОФОТ МУБОРАК, ҚЎРИҚЛИКЛАР!

(Боши иккинчи ва учинчи бетларда).

76. **Селяметова** Ирина Михайловна — «Средазгипроводхлопок» институти лойиҳа группасининг раҳбари.

77. **Симкин** Михаил Филиппович — «Дренажстрой» трести 1-механизациялаштирилган ишлар бошқармасининг участка бошлиғи.

78. **Смирнов** Анатолий Николаевич — «Янгиерводстрой» трестига қарашли 34-қурилиш-монтаж бошқармасининг бўлим бошлиғи.

79. **Солдатов** Леонид Иванович — «Мирзачўлсовхозстрой» трести 1-саноат корхоналари бошқармасининг прораби.

80. **Сурмонов** Ҳўжамқул — Сирдарё область, Ильич районидаги Титов номли совхознинг бригадири.

81. **Сисоева** Антонина Степановна — Ўзбекистон Компартияси Сирдарё область комитетининг сектор мудири.

82. **Телягов** Турғун — Сирдарё область, Ильич районидаги Волков номли совхознинг бригадири.

83. **Трикозин** Николай Матвеевич — «Янгиерводстрой» трестига қарашли 34-қурилиш-монтаж бошқармасининг бульдозер машинисти.

84. **Туропова** Қундўз — Сирдарё область, Ильич районидаги Титов номли совхознинг ишчиси.

85. **Уляшкин** Владимир Васильевич — «Дренажстрой» трести 2-механизациялаштирилган ишлар бошқармасининг экскаватор машинисти.

86. **Федотов** Дмитрий Петрович — «Янгиерводстрой» трести автотранспорт конторасининг автокран машинисти.

87. **Фирсаков** Николай Иванович — «Голодностепстрой»нинг бўлим бошлиғи.

88. **Хайрутдинов** Фарит Зайниевич — «Сантехмонтаж» бошқармаси слесарларининг бригадири.

89. **Холиқов** Шавкат — Сирдарё область, Ильич районидаги Титов номли совхознинг шофери.

90. **Холмаматов** Келдибек — Сирдарё область, Ильич районидаги Волков номли совхознинг трактор чиси.

91. **Ҳамроев** Сувон — «Голодностепгэсстрой» бошқармасининг бетончиси.

92. **Хатамов** Саттор — Сирдарё область, Ильич районидаги «Правда» совхозининг бригадири.

93. **Ширшов** Виталий Иванович — «Ирсовхозстроймонтаж» трестига қарашли 2-қурилиш-монтаж бошқармаси слесарларининг бригадири.

94. **Шредер** Владимир Рихардович — «Средазгипроводхлопок» институти бўлимининг бошлиғи.

95. **Шумейко** Юрий Петрович — «Промстройматериали» трестига қарашли Янгиер темир-бетон буюмлар ва конструкциялар комбинатининг бетончиси.

96. **Нўлдошев** Бойқўзи Урумбоевич — «Сантехмонтаж» бошқармасининг шофери.

97. **Юсупова** Рашида Даудовна — «Голодностепстрой» Гулистон ремонт-механика заводининг старший инженери.

98. **Яковенко** Аля Дмитриевна — «Средазгипроводхлопок» институти лойиҳа группасининг раҳбари.

99. **Ярхамов** Ханофи Ярхамович «Голодностепстрой» 1-автотранспорт конторасининг шофери.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1966 йил 5 ноябрь.

БОЛГАРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ IX СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

СОФИЯ, 14 ноябрь, (ТАСС). Бугун бу ерда тантанали вазиятда Болгария Коммунистик партиясининг IX съезди очилди.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Тодор Живков қисқа кириш нутқида съездга келган қардош коммунистик ва ишчи партиялари делегацияларини самимий табриклади.

Съезд президиумини, секретариатни, редакцион ва мандат комиссияларини сайлайди. КПСС Марказий Комитетини фахрий президиумга сайлаш ҳақидаги таклифни съезд делегатлари гулдурос овация билан кутиб олади-лар.

Съезд қуйидаги кун тартибини тасдиқлайди: Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисоботи, Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисоботи, Болгария Коммунистик партиясининг марказий раҳбар органларини сайлаш.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Тодор Живков кун тартибидаги биринчи модда юзасидан доклад қилди.

КУБАГА ҚАРОҚЧИЛАРЧА ҲУЖУМ

ГАВАНА, 14 ноябрь, (ТАСС). Куба революцион қуролли кучлар министрлиги ўз баёнотида хабар беришича, «13 ноябрда тонг ёришган пайтда шимолдан учиб келган номаълум самолёт Матансас кўрфазининг ғарбий қисмида жойлашган «Сеперо бонилья» химия комбинати территориясига учта бомба ташлаган. Бу бомбалар Америкада ишлаб чиқарилган бўлиб, улардан биттаси омбор бинога-рига бир оз зарар етказган. Номаълум самолёт шимолга томон учиб кетган».

Пресса Латина агентлигининг ахборотида айтилишича, миллий территорияга қароқчиларча қилинган бу янги ҳужум Куба халқини газаблантирган.

ЖУДА КАТТА ТААССУРОТ

ЛАГОС, 14 ноябрь, (ТАСС). Нигерия соғлиқни сақлаш федерал министрлигининг бош медицина мутахассиси Кофоворола Пратт хоним жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Совет Иттифоқида ташкил этилган семинарда қатнашиб, Нигерияга қайтиб келганидан кейин матбуот вакилларини суҳбатда бундай деди:

«Совет Иттифоқида соғлиқни сақлаш ишларининг ташкил этилганлиги менда жуда катта таассурот қолдирди. Ҳар қандай узоқ райондаги қишлоқнинг аҳолиси ҳам ҳамма вақт малакали медицина ёрдами олиши мумкин».

К. Пратт айтдики, Совет Иттифоқидаги врачларнинг 75 процента хотин-қизлар эканлигини эшитиб, Нигерия хотин-қизлари аёлларга ҳурсанд бўладилар. «Рус хотин-қизлари, деди у, жуда меҳнатдўст ва меҳнатсевар аёллардир».

«Москвадаги семинар, деди пировардида К. Пратт, Совет Иттифоқининг медицина муассасалари билан танишиб чиқишимга имкон берди ва Совет Иттифоқидаги ҳамкасбларимизнинг иш тажрибаларини Нигериядаги соғлиқни сақлаш ходимларига ўргатишга муваффақ бўлурман, деган умиддаман».

ЗАМБИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛОНДОН, 14 ноябрь. (ТАСС). Замбия президенти Кеннет Каунда Замбия билан Родезияни бир бирига боғлаб турган темир йўлга шу икки мамлакатнинг биргаликда ҳўжайинлик қилишини тугатиш тўғрисида Жанубий Родезиядаги Смит ҳукумати билан музокаралар бошлашни Англиядан талаб қилди. Рейтер агентлиги муҳбирининг Лусакадан берган хабарида айтилишича, Каунда чет мамлакатларга сафар қилиш учун учиб кетиш пайтида шу гапни айтган. Шу сафар вақтида Каунда АҚШга, Канадага ва бошқа бир қанча мамлакатларга боради.

ОСИЁ ВА АФРИКА ЁЗУВЧИЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ТАЙЁРГАРЛИК

ҚОҲИРА, 14 ноябрь. (ТАСС). Қоҳирада Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг учинчи конференциясини чақирувчи тайёргарлик комитети иш бошлади. Комитет Байрутда бўладиган бу конференция кун тартибини, конференцияга қатнашувчи мамлакатларга мурожаат текстини, шунингдек ташкилий масалаларни муҳокама қилди. Конференцияни тайёрловчи комиссиялар тузилди.

Тайёргарлик комитети ишида Африка ва Осиёдаги 14 мамлакатдан, шу жумладан Совет Иттифоқи, Жазоир, Япония, Монголия Халқ Республикаси, Жанубий Африка Республикаси ва Бирлашган Араб Республикасидан вакил бўлиб келган таниқли ёзувчилар қатнашдилар.

Халқаро ОБЗОР

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

АФРИКА БИРЛИГИ СИНОВДАН ЎТДИ

Эфиопия пойтахти Аддис-Абеба шаҳрини «Африканинг Женевасн» деб аташлари бежиз эмас. Бу шаҳарда турли-туман кенгашлар ва Африкаро конференциялар тез-тез ўтказилиб турилади, Африкадаги бир қанча бирлашмаларнинг ваколатхоналари, шунингдек Африка Бирлиги ташкилотининг қароргоҳи шу шаҳарда жойлашган, 9 ноябрда Аддис-Абебанинг марказидаги «Африка уйида» Африка Бирлиги ташкилоти давлат ва ҳукумат бошлиқларининг ассамблеяси ўз ишини тамомлади. Бу ассамблеяда Африкадаги 38 та мустақил мамлакатнинг ҳаммасидан вакиллар қатнашди. 1963 йил май ойида Африка Бирлиги ташкилоти тузилганидан бери Африкадаги давлат ва ҳукуматлар бошлиқлари шу билан тўртинчи марта учрашдилар.

Африка мамлакатларининг вакиллари Африка Бирлиги ташкилоти доирасида ўтказилган ўз йиғинларида Африка қитъасидаги энг муҳим проблемаларни қараб чиқадилар. Африкада мустамлакачилик қолдиқларини батамом тугатиш, Ғарбий-Жанубий Африкадаги аҳвол, Жанубий Африка Республикасидаги ирқчиларнинг бедодлиги, Жанубий Родезиядаги вазият ана шу проблемалар жумласига киради. Бундай учрашувларда Африка мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни йўлга солишга ҳам катта-кичик эътибор берилади.

Аддис-Абебада тамом бўлган ассамблея ғоят чигал сиёсий муҳитда ўтди. Сиёсий ва социал тузумни жиҳатидан турлича бўлган давлатлар Африка Бирлиги ташкилотига киргандлар. Африкадаги бир қанча давлатларда бу йил ҳарбий тўнтаришлар бўлиб ўтди. Африка Бирлиги ташкилоти бу ташкилот ишини издан чиқаришга неча марталаб уринган империалистларнинг кирдикорларига ҳам дуч келиб турибди. Бу галги сессия бошланиши арафасида ҳам худди шундай бўлди. АҚШ ва Англия разведкаларининг воситачилиги билан мозаро чиқарилиб, Аддис-Абебага бораётган Гвинея делегацияси Ганадэ камаб қўйилди. Бу ғирромарликнинг ташаббусчилари шу йўл билан Гвинея Республикаси президенти Секу Туренинг ассамблея ишида қатнашишдан воз кечишига муваффақ бўлдилар. Лекин ассамблеяни барбод қилишга мўлжалланган уринишлар муваффақиятсиз бўлиб чиқди.

Жанубий Родезия проблемаси ассамблеядаги делегатлар муҳокамасининг марказида бўлди. Бундан роппа-роса бир йил муқаддам бу мамлакатдаги ҳокимиятни Ян Смитнинг ирқчи тўдаси босиб олган эди. Африка Бирлиги ташкилоти Англия ҳукуматининг машъум иқтисодий чоралар кўриб, шу орқали Смит режимини тиз чўктиришга берган ваъдаси алдамчилик эканлигини айтди. Чунончи ўтган йил мобайнида Ғарбий Германия ўзининг Жанубий Родезия билан савдосини хатто кенгайтириб юборди. Ўз-ўзидан равшанки, бундай «чоралар» Родезиядаги ирқчилар ҳокимиятини тугатишга олиб кела олмайди.

Шу билан бирга Африкадаги баъзи мамлакатларнинг қатъият кўрсатмаганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Бу мамлакатлар Африка Бирлиги ташкилотининг ўзи Жанубий Родезия хусусида қабул қилган аввалги қарорларни бажаришда заррр даражада собитқадамлик қилмадилар. Бунинг устига африкаликларнинг Родезиядаги иккита асосий партияси—Зимбабве африкалик халқи иттифоқи билан Зимбабве африкаликлар миллий иттифоқи бир-бири билан рақобат қилиб, Родезия ирқчиларига қарши курашчи учун ягона фронт тузишдан ҳам бош тортаётганлиги ҳам Смит режимини тугатиш ишини мушкуллаштирмоқда. Африка Бирлиги ташкилотининг бундай рақобатга чек қўйиш мақсадида неча марталаб қилган даъватлари ва воситачилиги наф бермади.

Прогрессив Африка намояндалари ассамблеяда озодлик комитети ишини аслида тўхтатишни талаб қилиб чиққан баъзи бир делегатлар билан жанг қилишга мажбур бўлдилар. Африка Бирлиги ташкилотининг ана шу жанговар органи Африка қитъасидаги миллий озодлик ҳаракатларига ёрдам беришга даъват этилган. Бу комитет Ангола, Мозамбик, Португалияники деб аталмиш Гвинея, Ғарби-Жанубий Африка халқларининг ўз озодлиги учун олиб бораётган курашига ўз ҳиссасини қўшди. «Биз қандай қийинчиликларга дуч келмайлик, ўз мустақиллиги ва озодлиги учун курашаётган қардошларимизни унутмаслигимиз лозим»,—деди Бирлашган Араб Республикасининг президенти Жамол Абдул Носир. Ассамблея резолюцияси Озодлик комитети фаолиятини кўпчилик овоз билан маъқуллаб, Африка мамлакатларини комитет орқали бундан буён ҳам миллий озодлик ҳаракатларига маънавий ва моддий ёрдам кўрсата беришга даъват қилади. Африка Бирлиги ташкилотидаги баъзи мамлакатларнинг озодлик армиялари жангчиларини тайёрлашда иштирок этишга қарор берганликларини энг муҳим воқеа деб ҳисобламоқ керак.

Аддис-Абебадаги ассамблея шуни кўрсатдики, Африка Бирлиги ташкилотининг муайян даражадаги заифлигига қарамай, мустамлакачиликка ва империализмга қарши курашдаги ҳамкорлик ва бирлик ғояси ўзига йўл очиб бормоқда. Вақтинчалик муваффақиятсизликлар Африка Бирлиги ташкилотининг Африкани мустамлакачилик ва ирқчиликдан озод қилиш ишига қўшаётган ижобий ҳиссасини йўққа чиқариб юбора олмайди. «Африканинг проблемалари кўп, деди Танзания президенти Жулиус Ньерере Африка Бирлиги ташкилоти фаолияти ҳақида гапириб.—Буларнинг ҳаммаси осонгина ҳал этиладиган проблемалар эмас. Лекин шундай бир модда борки, бу хусусда биз ҳаммамиз якдилмиз,—бу ҳам бўлса ҳали ҳам мустамлакачилик ҳукмронлиги остида азоб чекаётган Африка мамлакатларининг мустақиллиги учун курашдаги мустаҳкам ҳамкорликнинг зарурлигидир».

БОНН ҲУКУМАТСИЗ ҚОЛДИ

Ғарбий Германиядаги ҳукумат таңглиги бошланганига икки ҳафтадан ошди. Маълумки, бу таңглик «Эркин демократлар» партияси вакилларининг Эрхард бошчилигидаги коалицион ҳукуматдан чиққанлиги натижасида рўй берган эди. Расман мамлакатни канцлер Эрхард билан бирга унинг партияси—христиан демократик иттифоқ вакилларидан иборат ҳукумати бошқариб турибди. Лекин парламентдаги кўпчилик овозга канцлернинг ўзини лавозимидан олиб ташлади. Гарчи Эрхард ишончи тўғрисидаги масалани ўртага қўйишдан бўйин товлаган бўлса ҳам, лекин бундестаг 8 ноябрда кўпчилик овоз билан аслида унинг истеъфога чиқиб кетишини ёқлаб фикр билдирди. Лекин Бонн конституциясига мувофиқ, парламентдаги кўпчилик шу лавозимга ўтиради-ган янги даъвогарни ёқлаб овоз бергунга қадар канцлер ўз лавозимида ўтириш ҳуқуқига эга. Шу тариқа Бонн ҳозирги пайтда парламентдаги кўпчиликнинг мададига сазовор бўлган ва бирон-бир масъулиятли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган ҳукуматга эга эмас.

Проблема шундан иборатки, Германия Федератив Республикасидаги учта асосий партиядан биттаси ҳам бундестагда кўпчилик овозга эга эмас. Бундестагдаги 496 ўриндан 245 таси Христиан демократик партиясига, 49 таси Эркин демократик партияга ва 202 таси социал демократик партияга тегишлидир. Шу сабабли, янги канцлерни сайлаш ва ҳаётчанрок ҳукумат тузиш учун ана шу учликдан хоҳлаган иккитаси коалиция тузиши керак. Бинобарин ҳозир Бонндаги сиёсий арбоблар жон-жаҳдлари билан пинҳона музокаралар олиб боришмоқда. Бунда гап икки буржуа партияси—Христиан демократик иттифоқ билан Эркин демократик партиянинг эски коалициясини қайтадан тиклаш имконияти тўғрисидагина эмас, балки ҳар қандай бошқача коалицияни тузиш тўғрисида ҳам, шунингдек канцлерлик лавозимига қўйиладиган номзод ҳамда министрлик ва бошқа ҳукумат мансабларини тақсимлаш устида ҳам бормоқда.

Ҳозир рўй берган вазиятда «Христиан демократлар» партияси «Эркин демократлар»нинг вакиллари ҳамкорлик қилишдан воз кечган Эрхардни қурбон қилишга қарор берди. Христиан демократик иттифоқнинг партия фракцияси мажлисида 10 ноябрь куни ғоят кескин вазиятда, овоз беришнинг учинчи даврасидагина, Баден-Вюртемберг ўлкасининг бош министри 62 яшар Курт Георг Кизингер (1933 йилдан бери нацистлар партиясининг собиқ аъзоси) кўпчилик овоз билан Христиан демократик иттифоқдан канцлерлик лавозимига «асосий номзод» қилиб сайланди.

Расман оппозицияда бўлган социал-демократлар сиёсий таңглик вазиятидан Ғарбий Германия буржуазиясининг асосий партияси—Христиан демократик иттифоққа қарши шиддат билан ҳужум қилиш учун фойдаланиб, бу партия ҳисобига ўз обрўсини кўтариб олишга умид боғламоқдалар. Лекин уларнинг ўзлари шу вақтга қадар Бонн сиёсатининг асосий йўл-йўриқларини қўллаб-қувватлаб келган эдилар ва ҳатто ҳозир ҳам унинг ўрнига бирон-бир янги сиёсатни тақдим қила олмадилар. Уларнинг тутуруқсизлиги ва икки юзламачилиги, масалан, Христиан демократик иттифоқ билан Социал-демократик партия ўртасида «катта» коалиция, деб аталган коалицияни тузиш масаласидаги позициясида ҳам яққол кўринib турибди. Чунончи Социал-демократик партия раисининг ўринбосари ва унинг асосий жарчиси Герберт Венер гоҳ бундай коалициядан қатъий бош тортиб, менинг партиям «тўйинукларни беркитиб юриш учун яшаётгани йўқ» деб айтса, гоҳ шунинг кетиданок шу идеяни қўллаб-қувватлаб, «вақтинчалик ҳамкорлик парламентни ўлдириб қўймайди» деб даъво қилмоқда. Дарвоқи, ДПА агентлигини хабар беришича, айни маҳалда социал-демократлар ҳукумат коалицияси тузиш тўғрисида Эркин демократик партия вакиллари билан ҳам музокаралар олиб бормоқдалар.

Асосий сиёсий партиялар шу вақтгача ўтказиб келинган ва Германия Федератив Республикасидаги бир қатор эътиборли шаҳарларнинг тан олишича, батамом барбод бўлган сиёсатни янгилаш хусусида бирон бир ижчил йўл тутмаётганликлари Германия Федератив Республикасидаги кўпгина сайловчиларда умидсизлик ва ҳафсалапирлик туйғуларини туғдирмоқда. Куни кеча Гессен ўлкасида маҳаллий парламентга ўтказилган сайлов якунларида бу нарса дарҳол ўзини кўрсатди. Оппозициячи социал-демократик партия умумен ўз позицияларини сақлаб қолишга муваффақ бўлган бўлса, аввалги ҳукумат коалициясига кирган Христиан демократик иттифоқ билан Эркин демократик партия анчагина овоздан маҳрум бўлдилар. Реакцион национал-демократик партия уларнинг ҳисобига муваффақият қозонди. Ана шу янги нацистик партия сайловчиларнинг кенг қўламдаги норозилигидан фойдаланиб, салкам чорак миллион овоз ёки барча овозларнинг қарийб 8 процентини олди ва энди икки Ғарбий Германиядаги тўқизта ландтагдан биттасида ўз вакилларига (96 депутатдан 8 та депутатга) биринчи марта эга бўлади. Францияда чиқадиган «Монд» газетаси янги нацистларнинг муваффақият қозонишини анализ қилиб, Германия Федератив Республикасидаги ҳозирги партияларнинг зиддияти ва заифлиги «Тиленга (Национал демократик партиянинг раҳбари) ва унинг дўстларига норозилар коалициясини ўз шиорлари атрофида тўплаш имкониятини берди» деб ёзади.

Ғарбий Германияда вужудга келган ҳозирги шароитда канцлернинг алмаштирилиши ҳозиргача ўтказиб келинган сиёсатда қандайдир жиддий ўзгаришлар бўлишига олиб келмаслиги ўз ўзидан равшан. Ғарбий Германиядаги таниқли публицист С. Хафнернинг ёзишича, гарчи Боннинг «иккинчи жаҳон уруши якунларини тан олмаслик ва учинчи жаҳон урушини кутишдан иборат бутун сиёсати батамом барбод бўлган бўлса ҳам, ҳозир Эрхард ўрнига канцлер лавозимига ўтиришга кўнадиган ҳеч бир ҳукуматга эга эмас.

В. КУЗНЕЦОВ, А. РАЧКОВ. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

КОБУЛ. Ҳиндиқуш орқали ўтадиган Кобул—Шерхон порти магистралининг охирги участкаси бўлган Дошн — Шерхон порти янги автомобиль йўлини тантанали очиш маросими нечаларда бўлиб ўтди. Мураккаб табиий шароитларда қурилган ана шу транспорт йўли афғон ва совет қурувчиларининг меҳнатдаги ғалабаси бўлиб, совет — афғон дўстлигининг яна бир далилидир.

НОРВЕГИЯ ташқи ишлар министри Йон Люнг 13 ноябрда расмий визит билан Ослодан Москвага келди.

ДЕҲЛИ. Уруш хавфига, ҳарбий пактлар ва базаларга, атом қуроли ва мустамлакачиликка қарши халқаро конференция ўз ишини неча ярим нечагача давом эттирди. Турли мамлакатларнинг делегатлари бирин-кетин минбарга чиқиб, қаҳрамон Вьетнам халқи билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар, агрессорларга лаънатлар ўқидилар ва Америка империализмининг Вьетнамда олиб бораётган разил урушига қарши газаб билан норозилик билдирдилар.

НЬЮ-ЙОРК. Америка меҳнат федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзлари конгрессида бирлашган электриклар касаба союзининг аъзолари бўлган 12 минг электрик иш ташлаганлиги натижасида Калифорния, Орегон ва Вашингтон штатларидаги 30 та нефть-газ саноати корхоналари, шунингдек «Вестингауз электрик» компаниясининг Пенсильвания, Нью-Йорк штатларидаги ва бошқа шарқий штатлардаги 30 та корхонаси ёпилиб қолди.

ХАНОЙ. (ТАСС). Жанубий Вьетнам Озодлик армиясининг жангчилари 8 ноябрга қадар бўлган 10 кун ичида Тайнинь вилоятида олиб борилган жангларда Америка қўшинларининг бир батальон ва бир рота аскарларини ҳамда қўғирчоқ қўшинларининг бир рота аскарларини сафдан чиқардилар, деб ёзилади ВИА агентлигининг «Озодлик» агентлиги маълумотларига асосланиб берган хабарда. Ватанпарварлар Америкининг 6 самолётини ҳам уриб туширдилар.

ЛОНДОН. Кеча кундузи, — дейилади Рейтер агентлиги муҳбирининг Дамашқдан берган хабарида, — Тиверпад кўлининг шимолий қисмидаги Сурия чегарачилари билан Исроил патрули ўртасида бошланган отишма икки соатдан кўпроқ давом қилди.

ДЕҲЛИ. Президент Сарвапалли Радхакришнан бош министр Индира Гандининг маслаҳатига биноан, Ҳиндистон марказий ҳукумати составидаги қуйидаги ўзгаришларни маъқуллади: Яшвант Чаван ички ишлар министри қилиб тайинланди. Сваран Сингх — мудофаа министри, М. Али Чарла — ташқи ишлар министри, Фахруддин Али Аҳмад — маориф министри қилиб тайинландилар. К. Л. Рао — давлат министри даражасида ирригация ва электростанциялар министрлигига бошчилик қилади.



Суратда: Югославиянинг «Сплит» кемасозлик заводида Совет Иттифоқи учун қурилаётган «Генерал Жданов» танкерини кўриб турибсиз. Югославияда ишланган ва СССР байроғи билан денгиз зангори океан йўлларида сузиб юрувчи бундай кемаларни кўплаб учратиш мумкин.

ТАНЮГ — ТАСС фотоси.

ПОЙТАХТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

⊙ Республикамиз пойтахтида яна бир улкан корхона — музлатиш комбинати қурилаяпти. Бу комбинат республикада йирик корхоналардан биридир.

⊙ Тамаки фабрикаси рационализаторлари маҳсулотларнинг янги хилларини ўзлаштиряптилар. Ўзлаштирилган маҳсулотлардан «Шарқ», «Самарқанд», «Нақш» номли сигарет-папиросларни кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Келгуси йилдан бошлаб «Ўргут», «Қурувчи», «Юлдузча», «Октябрь 50 йиллиги» номли папирос ва сигареталар ишлаб чиқарила бошланади.

А. ТОШПЎЛАТОВ.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **«Восток» — жаҳон марказлари** (эшиттириш ва концерт), 19.00 — **Ҳаётга йўл** (телеспектаклнинг 1-серияси).

20.40 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.45 — **Телевизион янгиликлар**, 21.00 — Ўзбекистонда Туркманистон адабиёти ва санъати декадаси. **Гулла, яшна, Туркманистон**, 21.20 — Бошланғич сибсий мактаб тингловчилари учун. **Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш** (Москвадан), 22.00 — Ўзбекистон санъат усталари. **Карим Зокиров**, 23.00 — **Жасорат** (ҳужжатли фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Хунук ўрдакча** (болалар учун мультфильм), 17.25 — **Утнир йўз** (илмий-оммабоп фильм).

Ўзбек тилида: 17.45 — **Расмли ҳикоялар** (кичкинтойлар учун), 18.00 — **Бадний фильм**, 19.30 — **Тошкент янгиликлари.**

19.40 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 15/XI да **Оқ куш** кўли, 16/XI да **Дилором.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/XI да **Мирзо Улуғбек**, 16/XI да **Парвона** (билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/XI да **Ишқинг билан.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 15/XI якшанба соат 7 да **Туркманистон давлат халқ чолғу оркестри концерти**, 16/XI кеч соат 8 да **Туркманистон ССР давлат халқ рақс ансамбли концерти.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Циркчи ҳайвонларни ўргатувчи **Иван Рубан, Ўзбек цирк коллективи** ва қизиқчилар группаси.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

15, 16 ноябрда

«Пахтакор» (Тошкент) — «Динамо» (Москва) командалари ўртасида

Футбол

Кеч соат 6 да бошланади.

1967 йил январь ойидан «ОГОНЁК» ЖУРНАЛИ ТИПИДА ОЙЛИК, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, АДАБИЙ-БАДИИЙ, БЕЗАКЛИ

„Гулистон“

ЖУРНАЛИ

ўзбек тилида

ЧИҚА БОШЛАЙДИ

Обуна баҳоси: 1 йилга — 3 сўм 60 тийин, 6 ойга — 1 сўм 80 тийин. 3 ойга — 90 тийин.

Журналга обуна «Союзпечать» бўлимлари ва агентликларида, алоқа бўлимларида, шунингдек корхона ва ўқув юртларидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриёти.

1966 йил 25 ноябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг илмий совети мажлисида (Навоий кўчаси, 55-а уй)

Ш. Эшонҳўжаев — филология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Алишер Навоийнинг «Лисон ут тайр»и деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИ:

Диссертация билан Фанлар академиясига кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

лабораторияларнинг вакант вазифаларида ишлаш учун

конкурс

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Геоботаника — старший илмий ходим (ботаник, биология фанлари кандидати), младший илмий ходим (ботаник);

Ўсимликлар альгологияси ва микологияси — младший илмий ходим (ботаник);

Қизилқум станцияси — младший илмий ходим (ботаник).

Конкурс муддати—28/XI гача.

Ариза ва ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар, Оржоникидзе посёлкаси, Академия шаҳарчаси.

Бизнинг адрес ва телефонлар СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28. Редактор — 36545, Редактор ўринбосарлари — 37914, 39323, Масъул секретарь — 34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 37283, Партия турмуши — 33469, 37221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — 31216, Коммунистик тарбия — 31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 34780, Совет қурилиши — 33258, Қишлоқ хўжалиги — 37604, Адабиёт ва санъат — 32036, 37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32347, Оммавий ишлар ва хатлар — 39005, 33553, Иллюстрация — 34524, Стенографистка — 37343, Корректура — 37162, Эълонлар — 38142, Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

№ 261. ИНДЕКС 64543. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 08917.